КПСС XXVI СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН № 147 (7287). 1 август, 1980 йил ЖУМА Баҳоси 2 тийин.

Эллик, эллик беш, олтмиш центнерчи деҳқонлар — пахтачилигимизнинг байроқдорлари ҳар йилдагидек бу йил ҳам миришкорлар бошлиқ 12 бригада коллективи «оқ олтин»дан рекорд ҳосил етиштириш ташаббуси билан чиққан эдилар. Уларнинг бу ташаббуси кенг қулоч ёйди.

Ташаббускорлар социалистик мусобақада пешқадамлик қилиб, бошқаларни ҳам унумли меҳнат қилишга, мўл ва сифатли пахта етиштиришга даъват этмоқдалар. Бугунги кунда уларнинг издошлари юздан ортиб кетди. Эллик бешолтмиш центнерчи «оқ олтин» усталари ҳар бир район, ҳар бир колхоз ва совхозда бор.

Мўл ҳосил усталари КПСС XXVI съезди шарафига социалистик мусобақани кенг авж олдириб, ғўза парвариши соҳасида ажойиб натижаларга эришмоқдалар. Илғорлар тажрибаси — пахта ҳосилдорлигини кескин ошириш ва ялпи маҳсулотни кўпайтиришда катта резерв бўлаётир.

ЮКСАЛИШНИНГ ҚУДРАТЛИ ОМИЛИ

УНИНЧИ БЕШ йилликнинг якунловчи йили улкан зафарлар йили бўлаётир. Бутун совет кишилари каби пойтахт Тошкент области меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорларини, шу Пленумда ўртоқ Л. И. Брежневнинг қилган сермазмун докладини ҳамда КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисидаги қарорини ғоят баланд руҳ ва ватанпарварлик ҳис-туйғулари билан кутиб олдилар. Областимизнинг барча меҳнат аҳли шу кеча-кундузда иш самарадорлигини ошириш ва сифатини яхшилаш, беш йилликнинг жами режаларини тўла-тўкис адо этиш, якунловчи йил планлари ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақа байроғини тобора баланд кўтармоқдалар.

Ўтган йилларда коммунистик қурилиш соҳасида қимматли тажрибалар тўпланганлигини, шаҳар ва қишлоқларимизда амалга оширилган ишларда мавжуд бўлган ҳамма ижобий тажрибаларни ардоқлаб асрашимиз зарурлигини қайд қилар экан, ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети июнь Пленумида қилган докладида бундай деди: «Шуни таъкидлаш лозимки, ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йили планнинг муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажариш учун, ишга тушириладиган объектларни ўз вақтида топшириш, ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили — 1981 йилда халқ хўжалигининг барқарор ишлашини таъминлаш учун бутун куч-ғайратни ишга солиш керак. Уз-ўзидан равшанки, бу ўринда съезд шарафига социалистик мусобақа ўз ролинни ўйнаши лозим».

Доҳий В. И. Ленин асос солган жонажон Коммунистик партиямизнинг энг катта форуми — партия съездларини халқ хўжалигининг ҳамма жабҳаларида арзигулик тўёналар билан кутиб олиш совет кишиларининг ҳаётида ажойиб анъана бўлиб қолди. Бу эзгу одатга қатъий амал қилиб келаётган областимиз саноатчилари 1980 йилнинг биринчи ярми учун белгиланган топшириқлар бажарилишини таъминладилар. Маҳсулотнинг умумий ҳажми, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлиги бўйича планлар муддатидан илгари бажарилди. Ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 4,8 процент ўсди. Меҳнат унумдорлиги эса 2,8 процент ошди.

Областимиз пахтакорлари, чорвадорлари, сабзаворкорлари ва барча меҳнаткашлари ҳар йилгидек бу йил ҳам она-Ватанга кўпроқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш учун бир ғайратларига ўн ғайрат қўшиб тер тўкмоқдалар. Заршуносларимиз берилган юксак ваъданинг устидан чиқиш учун ғўзаларни агротехника қоидаларига риоя қилган ҳолда парваришламоқдалар ва ҳосилдорликни ошириш учун, давлатга 435 минг тонна «оқ олтин» сотиш учун сабот ва матонат билан курашмоқдалар. Тошкент область партия комитетининг 1980 йилги пахта ҳосилини териб олишни, тайёрлашни уюштириш ва унинг сифатини ошириш юзасидан белгилаган тадбирларининг яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланганлиги пахтакорлар ўртасидаги социалистик мусобақани янада авж олдириб юборди.

Оққўрғон районидаги Охунбобоев номли колхоз, С. Сегизбоев номли совхоз, Ғалаба районидаги Димитров номли, «Победа», Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги», Коммунистик районидаги «Правда», «Политотдел», «Ленинский путь» сингари хўжаликларнинг ишлари билан танишган киши, албатта, мамнун бўлади. Ташаббусларни область партия комитети томонидан маъқулланган 50—60 центнерчилар — Чиноз районидаги Киров номли колхоздан икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Т. Охунова, Бўка районидаги Ҳамза номли колхоздан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони С. Гулаҳмедова, Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Сулаймонов, Оққўрғон районидаги «Партия XXII съезди» колхозидан А. Қурбонов, Пискент районидаги 1-«Пискент» совхозидан Ҳ. Иброҳимов, Бекобод районидаги Ойбек номли совхозидан КПСС XXV съезди делегати В. Тўхтабоев, Урта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Кан О Нам ва бошқаларнинг номларини бугунги кунда бутун халқ фахр билан тилга олмоқда. Мазкур олтинпаслар, энг аввало, ўзларининг ҳалол, фидокорона ва сидқидилдан қилган меҳнатлари билан ана шундай иззат-икромга сазовор бўлмоқдалар. Улар ўзлари бошлиқ бригадаларда план ва социалистик мажбуриятларнинг йил сайин ортиғи билан бажарилишини таъмин этиш билан бирга ўз хўжаликларида энг илғор усулларни кенг жорий этишга, ялпи пахта ҳосилдорлигини кўпайтиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Кўзланган марраларни сўзсиз эгаллаш, партия ва халқ олдида берилган ваъдаларнинг устидан чиқиш ижтимоий-сиёсий ва давлат аҳамиятига эга бўлган жанговар вазифалардир. Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, меҳнат унумдорлигини тинмай ўстириш, тежамкорликка қатъий амал қилиш, меҳнат ва давлат интизомини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш жойлардаги партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг диққат марказида туриши лозим бўлган асосий масалалардир.

Ҳосилни қисқа муддатларда йиғиб-териб олиш, пахта планини 15 октябргача ва социалистик мажбуриятларни 17 октябргача бажариш барча қишлоқ хўжалиги ходимларимизнинг муқаддас бурчидир.

Бугун область партия комитетида йиғим-терим даврида социалистик мусобақанинг самарадорлигини ошириш йўлларни мавзусига бағишланган илмий-амалий конференция бўлади. Унда ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишда социалистик мусобақанинг энг катта фойда келтираётган шакл ва формаларни тилга олинади ва сиёсий-оммавий ҳамда тарбиявий ишларни уюштиришда тўпланган яхши тажрибалар муҳокама қилинади.

Партия ва ҳукуматимиз томонидан белгиланган топшириқларни кўнгилдагидек амалга оширмоқ учун, даставвал, ҳамма жойда социалистик мусобақани яна ҳам кенг қулоч ёйдириш талаб этилади. Шу боисдан ҳам КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарорларида, ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладида, шунингдек КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисидаги қарорида бутун ишчилар синфи, меҳнаткаш деҳқонлар ҳар қачонгидан ҳам яхшироқ ишлашга, ички резерв ва имкониятларни ишга солиш борасида кўпроқ изланиб топишга, омманинг ижодий кучидан оқилона фойдаланишга, янги-янги қимматли ташаббусларни тезроқ ижтимоий ҳаётга чиқаришга даъват этиладилар.

Социалистик мусобақа — миллион-миллион кишилар ижодининг сарчашмаси, катта-катта ғалабаларга эришишимизнинг ҳаракатлантирувчи бош омили эканлигини бир зум ҳам унутмаслигимиз керак. Бугун қўлга киритган ва эртаги кунда эришадиган ютуқларимизнинг ҳаммаси ўзимизга, ҳар бир совет кишисининг ижодий ишлаш маҳоратига, юксак онглилигига, профессионал тайёргарлигига, масъулият туйғусига ва интизомига боғлиқдир.

Зарбдор йил — 1980 йилда зиммага олинган социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари ошириб бажариш учун бутун ғайрат-шижоатимизни сафарбар этайлик. Севимли она-Ватанимизнинг куч-қудратини янада ошириш, КПСС XXV съезди белгилаб берган вазифаларни тезроқ ниҳоясига етказиш учун ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшайлик!

Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ «ПРАВДА» РЕДАКЦИЯСИ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБЛАРИ

1. Савол. Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг беш йиллиги муносабати билан Хельсинкида қабул қилинган Якунловчи актнинг Европадаги вазият ривожига таъсири тўғрисида Сизнинг фикрингиз қандай?

Жавоб. Мазкур кенгаш ва унинг натижалари тўғрисида Совет Иттифоқининг фикри битта, ижобийдир. Халқаро вазият мураккаблашган бир шароитда Хелъсинки кенгаши якунларининг аҳамияти камаймайди, балки ортиб боради.

1973 йил 1 август туш пайтини эслаганимда тўлқинланиб кетаман. Ўшанда «Финляндия» конгресслар саройида Европадаги 33 давлат, АҚШ ва Канаданинг раҳбарлари бир стол теварагида ёнма-ён ўтириб Якунловчи актга имзо чеккан эдилар. Бу кун халқлар учун улуғ орзу-умидлар куни бўлган эди. Бу кун, шунингдек, истиқболга реалистик қараш куни бўлди. Истиқбол 5 йилдан ёки ўн йилдан кейин қандай бўлади, деган ташвиш ҳам бор эди.

Якунловчи актнинг тузилиши урушдан кейинги Европа тарихида жуда катта воқеа бўлганлиги, тинч ривожланиш учун кенг имкониятлар яратганлиги, бу ҳужжат тинч ривожланишга хизмат қилиши кераклиги эндиликда яна ҳам кўпроқ аён бўлди.

Хельсинкида Умумевропа кенгаши минбаридан туриб сўзлаган нутқимда кенгаш қарорлари биринчи ёмғир ёғиши биланоқ ивиб, бўкиб қолмаслиги кераклиги таъкидланган эди. Хельсинкини юмшатиш сиёсатида ўзига хос кучайишлар ва пасайишлар бўлиши мумкин, деб биз қайта-қайта огоҳлантириб ўтдик ва бу кейинчалик амалда тасдиқланди. Лекин ана шуларнинг ҳаммасига қарамасдан Якунловчи актни кескинликни юмшатиш пойдеворини ўпириб келувчи кучга қарши тура оладиган яхши тўлқин қайтаргич билан таъминлаш мумкин.

2. Савол. Якунловчи акт бундан кейин ҳам ҳаётбахш таъсир кўрсатаверади деб ҳисоблайсизми?

Жавоб. Ҳа, шундай деб ҳисоблайман. Бу ҳужжат Умумевропа кенгашининг ўзи сингари ноёб ҳужжатдир. Мен, бу ҳужжатни иккинчи жаҳон уруши даҳшатларини бошидан кечирган авлоднинг инсоннинг **энг биринчи ҳуқуқи** — яшаш ҳуқуқи, тинчлик ҳуқуқи мустаҳкам таъминлаб берилиши лозим бўлган авлодга йўллаган мактуби деб айтган бўлур эдим. Европа ривожининг ҳозирги боришига айни шу пайт нуқтаи назаридан эмас, балки тарихий истиқбол нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, Хельсинкидан орқага қайтиш йўли йўқ. БМТ устави сингари Якунловчи акт ҳам инсоният цивилизациясининг халқаро муносабатларда янги, янада юксак поғонага кўтарилишини енгиллаштиради.

Мана шунинг учун ҳам Якунловчи акт имзоланган куни бошқа қитъалардаги халқларнинг ҳам худди шундай тарихий кунлари сингари «Европа куни» бўлиб қолиши мумкин. Аммо бу кун байрамгина эмас, у айни пайтда кескинлик юмшатилишини ва тинчликни мустаҳкам барқарор этишга қилинган даъват ҳамдир.

Ҳозирги вақтда энг муҳим вазифа — Умумевропа кенгашида қатнашган давлатлар вакилларининг Мадриддаги учрашувини маъқул тарзда ўтказиш ва уни салмоқли натижалар билан якунлашдан, Европада қарбий кескинликни юмшатиш ва қуролсизланишга бағишланган конференция чақирилишини таъминлашдан иборатдир. Совет Иттифоқи мана шу ҳар иккала анжуман ишига муносиб ҳисса қўшишга тайёрдир.

Энг муҳими — Европа ва демак, бутун дунё учун уруш ҳавфини ҳозир ҳам, келажакда ҳам камайтириш йўлини излаб топишдан иборатдир. Қуролланиш пойгасини чеклаш соҳасида реал силжишларга эга бўлмай туриб, бу вазифани ҳал этиш мумкин эмас.

Хуллас, кескинликни юмшатиш, ҳамкорлик, хавфсизлик — Европа ишларида, шунингдек, умуман жаҳон сиёсатида партиямизнинг ва Совет давлатининг тутган бош йўлидир.

ИДЕОЛОГИЯ ИШИ ТАЖРИБАСИДАН

АГИТАТОРЛАР СУҲБАТИ

Тошкент электрон техника заводи йиғув цехида шу цех оператори, энг яхши ишчилардан бири Елена Смолякова олиб борган навбатдаги суҳбати КПСС Марказий Комитети июнь (1980 йил) Пленуми якунларига бағишланди.

Партиянинг бўлажак XXVI съезди, деди у, мамлакат экономикаси ва маданиятини янада ривожлантириш, ватанимиз қудратини мустаҳкамлаш йўлларини белгилаб беради. Бу — ер юзида мустаҳкам тинчлик гаровидир. Тинчлик бизнинг осойишта меҳнатимиз, яхши ҳордиқ чиқаришимиз, болаларимизнинг бахтли келажаги билан узвий боғлиқдир. Шунинг учун ҳам, Леонид Ильич Брежнев ўз докладида айтганидек, ўнинчи беш йиллик якунловчи йили планини муваффақиятли бажариш ва ошириб адо этиш, келгуси йилда халқ хўжалигида барқарор ишни таъминлаш учун энг кўп куч-ғайрат сарфлаш лозим.

Агитатор мамлакат меҳнаткашларининг кўтаринки руҳи, КПСС XXVI съезди шарафига авж олган социалистик мусобақа, 1980 йил топшириқларини Октябрь байрамигача бажаришга қарор қилган москваликларнинг ватанпарварлик ташаббуси тўғрисида гапирди.

Бугунги кунда оғзаки пропаганда моҳирларининг асосий вазифаси партиянинг бўлажак съезди шарафига бошланган социалистик мусобақани ривожлантиришга кўмаклашишдан иборатдир. Ватан қудратини, бутун дунёда тинчликни меҳнатда янги муваффақиятлар билан мустаҳкамлаш — корхона агитаторлари суҳбатларининг асосий мазмунидир. Ҳозирги вақтда цехлар ва участкаларда 115 агитатор, 250 сиёсий ахборотчи, 110 лектор — «Билим» жамиятининг аъзолари партия сўзини оммага етказмоқда.

(ЎзТАГ).

ЗАРБДОР ФРОНТ



Бу йил олинган юксак мажбуриятларга яраша ҳосил тўплаш учун курашнинг ҳал қилувчи босқичи бошланди. Пахтакор ва механизаторлар далаларда зарбдор меҳнат вахталарини давом эттиришяпти. Ғўза қатор ораларига ишлов бериш, суғориш, зараркунандаларга қарши кураш жадал олиб борилмоқда. Суратларда: Бўка районидаги Мичурин номли колхознинг илғор сувчиси Э. Асанов; Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхозида ғўза зараркунандаларига қарши дори сепилмоқда.

А. Мальцев ва Ҳ. Аввалов фотолари.



Л. И. БРЕЖНЕВ Ж. МАРШЕ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

Л. И. Брежнев Олимпиада ўйинларини кўриш учун Москва шаҳрига келган Франция Компартиясининг Бош секретари Ж. Марше билан 30 июлда телефон орқали суҳбатлашди.

Л. И. Брежнев Олимпиада ҳаракатини ҳимоя қилиш ва муваффақият қозониши аён бўлган Олимпиада-80 ни ўтказиш ишига Франция спорт жамоатчилиги катта ҳисса қўшганлигини уқтириб ўтди.

Ж. Марше Франция спортчиларининг ва барча қитъалардаги мамлакатлар спортчиларининг Олимпиадада иштирок этишидан, ўйин натижаларининг юксак даражада эканлигидан, ўйинлар учун яхши вазият ва шароит яратилганлигидан мамнун эканлигини билдирди. Мана шуларнинг ҳаммаси Олимпиада ўйинларининг илгари белгиланганидек, Москвада ўтказилиши учун олиб борган курашимизнинг ҳаққонийлигини тасдиқлади,— деб таъкидлади Ж. Марше. — Натижада спорт, турли мамлакатлар ёшлари ўртасидаги дўстлик, тинчлик иши ютиб чиқди.

Л. И. Брежнев билан Ж. Марше КПСС ва ФКП ўртасидаги ҳамкорлик иккала партиянинг шу йил январь ойидаги учрашувида белгиланган янги асосда ривожланаётганлигини мамнуният билан уқтириб ўтдилар. Улар Совет Иттифоқи, Франция халқларининг ва бутун дунёда тинчлик ишининг манфаатларини кўзлаб бундан буён ҳам шу йўлдан бораверишга интилажакларини таъкидладилар.

ТАСС АХБОРОТИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 1979 йил 6 октябрда айтиб ўтганидек, Совет Иттифоқи ГДР раҳбарлари билан келишиб ҳамда Варшава Шартномасида қатнашувчи бошқа давлатлар билан маслаҳатлашгандан кейин, Марказий Европадаги Совет қўшинлари сонини бир томонлама қисқартиришга ва бир йил ичида Германия Демократик Республикаси территориясидан 20 минг совет ҳарбий хизматчиларини, мингта танкни, шунингдек муайян миқдордаги бошқа ҳарбий техникани олиб чиқиб кетишга қарор қилди. Европада ҳарбий кескинликни камайтириш борасидаги ҳаракатни кучайтириш, бу йўлда реал ҳаракат намунасини кўрсатишдан иборат самимий истак шундай қарорга келишни тақозо этди.

Совет қўшинларини белгиланган миқдорда СССРга олиб кетиш ишлари 1979 йил 5 декабрда бошланди. АҚШнинг ва НАТО ҳарбий блокининг халқаро кескинликни кучайтиришга ва Европада қуролланиш пойгасини авж олдиришга уринишларига қарамай, Совет Иттифоқининг қарори изчиллик билан амалга оширилди ва 1980 йил 1 августида шу қарор тўла бажарилди.

Совет Иттифоқи бундан илгари неча марталаб маълум қилганидек, қуролсизланиш, тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш, Умумевропа кенгашининг якунловчи актида баён қилинган принциплар ва қоидаларни амалга ошириш сари олиб борадиган йўлни бундан кейин ҳам изчиллик билан амалга ошираверади. Яна «совуқ уруш» сари тойилиб кетишга йўл қўймасликка, термоядро можароси хавфининг олдини олишга ижтимоий тузумлари турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшашини таъминлашга қодир бўлган объектив имкониятлар ва ижтимоий-сиёсий кучлар мавжуддир. Бу вазифани ҳал этиш йўли тенглик ва бир хилдаги хавфсизлик принципларига қатъий риоя қилишга асосланган музокаралар одиб боришдан иборатдир.

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети районлар, қишлоқ ҳамда посёлка Советлари ва йиғувчилар ўртасида аҳолидан ортиқча гўшт, сут ва тухум маҳсулотларини ҳарид қилиб олиш ва уни кўпайтириш бўйича ўтказилаётган социалистик мусобақанинг 1980 йил 1 июлгача бўлган якунини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети, область ижроия комитети ва область касаба союзлари Советининг кўчма Қизил байроғи **Ўрта Чирчиқ район**ига (район партия комитетининг биринчи секретари М. Эгамбердиев, район ижроия комитетининг раиси Т. М. Мирёқубов, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳарид қилиш ва сифати бўйича бош давлат инспектори Ф. Н. Пак, район матлубот жамиятининг раиси С. Шомов, «Заготскот» директори А. Раҳимов, аҳолидан ортиқча сут маҳсулотларини ҳарид қилиб олиш бўйича инспектор Н. Исломбекова ўртоқлар) берилди. Бу район сутни ҳарид қилиш йиллик топшириғининг 122 процент, тухум бўйича 100,6 процент, гўшт бўйича 61 процент бажарган ва июнь ойида сут ҳарид қилиб олиш бўйича ярим йиллик топшириғини 147 процент, гўшт бўйича 107 процент бажарган.

Байроқ Тошкент район халқ депутатлари Калинин қишлоқ Советидан олиб берилади.

Область партия комитети, область ижроия комитети ва область касаба союзлари Совети кўчма Қизил байроғи **Паркент районидаги Паркент қишлоқ Советида** (раиси ўртоқ Т. Холтоев) қолдирилди. Бу қишлоқ Совети аҳолидан сут ҳарид қилиб олиш 6 ойлик топшириғини 218 процент, гўшт бўйича 75 процент бажарган. Бу ўтган йилдагига қараганда анча юқори кўрсаткич.

Қуйидаги илғор тайёрловчиларга кўчма Қизил вимпеллар берилади:

— ортиқча гўшт маҳсулотларини тайёрлаш бўйича: Коммунистик районидаги «Юқори Чирчиқ» бўрдоқичилик пункти тайёрловчиси ўртоқ Н. Рафиқовга, у 6 ойлик топшириғини 140 процент бажарган;

— ўртоқ У. Абдуллаевга — Бўка район тайёрлов конторасн тайёрловчиси, у олти ойлик топшириғини 142 процент бажарган.

Ортиқча сут маҳсулотларини тайёрлаш бўйича:— олти ойда 45 тонна сут тайёрлаб, топшириқни 128 процент бажарган Бўстонлиқ районидаги Ўгом қишлоқ Совети сут йиғувчиси Х. Абдураҳмоновага, олти ойда 35 тонна сут тайёрлаб, топшириқни 130 процент бажарган Қалинин районидаги Фрунзе қишлоқ Совети йиғувчиси ўртоқ А. Файзуллинга:

— ортиқча тухумни тайёрлаш бўйича ярим йиллик топшириқни 121 процент бажарган Оққўрғон район тайёрлов конторасн тайёрловчиси ўртоқ А. Мамедовга.

Паркент, Тошкент районлари, Бўстонлиқ районидаги Ўгом қишлоқ Советларининг аҳолидан ортиқча чорвачилик маҳсулотларини харид қилиб олиш ва тайёрлаш бўйича намунали иш олиб бораётганлиги қайд этилди.

Область план бўлимига Ўрта Чирчиқ районига, Пискент районидаги Оқтепа қишлоқ Совети ва Паркент районидаги Паркент қишлоқ Советига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

Область молия бўлимига социалистик мусобақа ғолибларини мукофотлаш учун пул ажратиш топширилди.

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРАЙЛИК

Колхозимиз меҳнаткашлари КПСС XXV съезди ва партия Марказий Комитетининг ундан кейинги Пленумлари қарорларини ҳаётга изчил татбиқ эта бориб, ўнинчи беш йиллик даврида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадал суръатларда ривожлантирдилар. Пахта ва бошқа экинлар ҳосилдорлигини, чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш ҳисобига деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳамда давлатга сотиш планлари ва мажбуриятлари муттасил муваффақиятли бажариб келинаётир.

КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдаги XXVI съездини чақириш тўғрисидаги қарори барча совет кишилари қатори хўжалигимиз аъзолари меҳнат ғайрати ва сиёсий активликларини янада жўш урдириб юборди. Партия съездлари мамлакатимиз ҳаётида жуда катта воқеадир. Совет халқи бу улкан анжуманларни меҳнатда янги ғалабалар билан кутиб олишга одатланиб қолганлар. Колхозимиз пахтакорлари ҳам КПСС XXVI съездига «оқ олтин»дан рекорд ҳосил етиштириб, муносиб туҳфа тайёрлашга қарор қилишган. Улар ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида 1500 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 32 центнер ўрнига 40 центнердан хирмон кўтариб, қабул пунктларига 6 минг тонна пахта етказиб бериш мажбуриятини олганлар.

Колхозимизнинг илғор бригадаларида эса съезд шарафига элликцентнерчилар ҳаракати янада кенг қулоч ёйди. Республикада хизмат кўрсатган пахтакор Нурмон Зоирхўжаев, Маҳаллжон Муҳиддинов, Жаъфарали Ортиқалиев, Йўлдош Акромбоевлар бошлиқ бригадалар коллективлари бу йил 50 центнерлик маррани кўзлаб меҳнат қилишмоқда. Кўпгина бригадалар пахтакорлари эса ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил олишни режалашган.

Ваъда вафоси билан гўзал. Пахтакорларимиз ҳам юксак мажбуриятга яраша мўл ҳосил етиштириш учун ғўза парваришини юксак агротехника қоидалари асосида қизғин олиб боришмоқда. Ҳозирги кунларда пахта далаларимизда 36 культиватор ишлаб турибди. Шу кунгача улар билан ғўза қатор ораларига олти марта ишлов берилди. Ғўзани минерал ўғитлар билан озиқлантиришни барвақт тугаллаганмиз. Сувчиларимиз эса пахтазорларга бешинчи марта об-ҳаёт тарашмоқда. Ҳўжалигимизнинг 400 нафар миришкор деҳқони ҳар туп ғўзани об-ҳаётга қондириш учун кунни тунга улаб меҳнат қилаётир.

Пахтакорларимизнинг фидокорона меҳнатлари, тадбиркорлик билан иш юритишлари ўз самарасини кўрсатаётир. Ҳозир ҳар туп ғўзада ўртача 7—8 тадан бўлиқ кўсак ҳосил қилинган. Бу ҳосилга ҳосил қўшиш учун ғўза парваришини пахта етилгунга қадар давом эттириш юзасидан тадбирлар белгилаб, уларни амалга ошираётирмиз.

Партия Марказий Комитетининг яқинда эълон қилинган «КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисида»ги қарори хўжалигимиз барча аъзоларини янада самарали меҳнат қилишга, 1980 йил ва умуман ўнинчи беш йиллик топшириқларини ҳамда қабул қилинган мажбуриятларни тўла ва ошириб бажаришга руҳлантириб юборди. Бу муҳим ҳужжатда ҳосилни қисқа муддатларда ва ҳеч нобуд қилмай йиғиштириб олиш учун ҳамма чораларни кўриш лозимлиги алоҳида таъкидланган. Шунинг учун биз ғўза парваришини асло бўшаштирмаган ҳолда пахта терими мавсумига ҳам ҳар тарафлама ҳозирлик кўраётирмиз. Хўжалигимизда бу йил ялпи «оқ олтин»нинг камида 80 процентини машиналарда териб олишни мўлжаллаганмиз. Бунинг учун барча имкониятларга эгамиз. Колхозимизда 30 та пахта териш, 10 та кўсак узиш машиналари, 100 та тележка мавжуддир. Механизаторларимиз терим техникаси ремонтини барвақт бошлаб юборган эдилар. Шу туфайли ҳозирнинг ўзида барча «зангори кема»лар ишга шайлаб қўйилди. Бошқа техника восталарини ремонт қилиш ҳам ниҳоясига етаётир.

Етиштирилаётган мўл ҳосилни қисқа муддатда несибобуд қилмай йиғиштириб олиш учун теримни ипатоволиклар усулида ташкил этишни режалаб қўйганмиз. Бунинг учун колхозимизнинг ҳар бир участкасида терим-транспорт отрядлари ташкил этиладн. Уларга далаларни машина теримига тайёрлайдиган механизмлар, 8 тадан «зангори кема», техника қарови ўтказувчи кўчма устахона, ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминловчи транспорт воситаларн бирлитиб қўйилади.

Йиғим-терим даврида механик-ҳайдовчилар ва транспорт трактолари механизаторлари ўртасида социалистик мусобақани кенг авж олдирамиз. Бу мусобақага ҳар беш кунда якун ясалиб, илғорлар вимпеллар ва пул мукофотлари билан тақдирланишади. Шунингдек, бригадалараро ҳамда уруғлик пахта терадиган чеварлар ўртасида ҳам мусобақа йўлга қўйилади.

Машиналардан унумли фойдаланиб, теримни уюшқоқлик билан ўтказиб, пахта тайёрлаш планини 10 октябргача бажаришни режалаётирмиз. Зиммага олган юксак социалистик мажбуриятимизни эса 15 октябргача адо этишга қарор қилганмиз.

Пахта далаларимизда КПСС XXVI съезди шарафига социалистик мусобақа янги куч билан авж олиб кетди. Хўжалигимиз аъзолари коммунистларнинг улкан анжуманига муносиб туҳфалар тайёрлаш учун ўзгача тайрат-шижоат билан меҳнат қилаётирлар.

Н. АВАЗОВ,
Янгийўл районидаги Ленин номли колхозранси.



Ҳар бир агротехника тадбирини ўз вақтида ва сифатли ўтказаётган Оққўрғон районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг коммунист Т. Ҳалилов бошлиқ бригадаси пахтакорлари ғўзаларининг сераваз ва серҳосил бўлиб ўсишини таъминлашаяпти. Улар бу йил 85 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта етиштириш юзасидан олган мажбуриятларига яраша ҳосил тўплаяптилар. Суратда: бригада бошлиғи Т. Ҳалилов механизатор М. Тешаев билан ғўза парваришини кучайтириш ҳақида суҳбатлашаяпти.
П. Эргашев фотоси.

ТЕРИМГА ШАЙ

Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз механизаторлари ўзларининг «оқ олтин» мавсумига тайёр эканликлари ҳақида рапорт бердилар. Бу ерда барча терим механизмларини ремонт қилиш ниҳоясига етди. Ўттиз иккита «зангори кема» икки смена ишлаш учун экипажлар билан таъминланди, пахтани тез суръатлар билан териб, ҳосилни тайёрлаш пунктига жадал етказиб бериш лозим бўлган комплекс отрядлар ипатоволиклар методи асосида тузилди. Бу йил хўжаликда ҳосилнинг 98 процентини қўл меҳнатидан фойдаланмай йиғиштириб олишга қарор қилинди.

Райондаги бошқа хўжаликлар ҳам терим машиналари ремонтини юксак суръатлар билан олиб бормоқдалар.

(ЎзТАГ).

95 ПРОЦЕНТИ МАШИНАДА

Бош агроном Ҳамиджон ака Сулаймонов ҳозиргина культивация қилинган эгатдан бир сиқим тупроқни олиб, кафтида эзғилаб кўрди.

— Баракалла, азаматлар, сувни меъёрида қўйишган экан, — деди у мамнун бўлиб. — Ғўзаларни қаранг: дуркун, кўсак, гулюю шоналари беҳисоб.

Ҳақиқатан ҳам ҳосилнинг чўғи чакки эмас. Ҳар туп ғўзада 5—6 тадан кўсак, 13—14 тадан гул ва шона бор.

Бу йил 2 минг гектар ерга барака уруғи қадаб, ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил олишга сўз берган Бекобод районидаги Ленин номли колхозининг кўпгина дадаларидаги ғўзалар ана шундай яшнаб, қўнғир-қўнжи ҳосилга тўляпти.

Колхозда ғўза қатор ораларига ишлов бериш, сув қўйиш, маҳаллий ўғитлар билан озиқлантириш уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунларда айниқса ғўзани суғоришга катта эътибор берилган. «Тунда суғориш — ҳосил тўплаш, кундузгиси эса кўчат сақлаш, — дейди биз билан суҳбатда хўжаликнинг моҳир сувчиларидан бири Уммат Худойбердиев. — Шунинг учун тунги суғоришга алоҳида эътибор бераётирмиз».

Колхозда ғўзани суғориш группа усулида ташкил этилган бўлиб, улар ўртасида социалистик мусобақа кенг авж олдирилган. Бу мусобақага ҳар ўн кунда якун ясалади. Илғор сувчилар ҳамда механизаторлар ўртасидаги мусобақа пешқадамлари колхоз правлениеси томонидан моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириладилар. Мусобақада голиб чиққан сувчилардан Уммат Худойбердиев, Аскаралн Каримбердиев, Шераи Сулаймонов, механизаторлардан Суюнбой Турсунбоев, Абдукул Худойбердиев, Исмоил Маъруфовлар яқинда тантанали вазиятда вимпел ва пул мукофотлари билан тақдирланишди.

Колхозда илғор тажрибалардан кенг фойдаланилаяпти. Ҳозирги кунларда пахта далаларида хўжаликнинг ўзида яратилган «Ҳосил-80» агрегатларини учратиш мумкин. Механизаторлар бу агрегатлар билан минг гектар майдонга маҳаллий ўғит солишди. Ғўза ғўнг билан озиқлантирилиши туфайли эгатларнинг пуштаси қотиб қолишдан сақланади, тупроқдаги нам узоқ вақт туради.

Мана уч йилдирки, колхозда қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашда биологик усулдан фойдаланилмоқда. Хўжаликнинг биологик лабораториясида далаларга тарқатиш учун габроракон ва трихограмма кўпайтирилади. Габроракоидан ўрта ва катта ёшдаги кўсак қуртларини, трихограммадан эса уларнинг тухумини йўқотишда фойдаланилмоқда.

Биологик усул атроф муҳитни мусаффо сақлаш билан бирга колхозга катта иқтисодий самара ҳам бермоқда. Ҳосилни муҳофаза қилишда химикатлар қўлланилганда бир гектар майдонга 8 сўм маблағ сарфланса, биологик усулда бунинг учун 3—3,5 сўм кетади. Шунинг учун колхозда биофабрика қурилишига киришилган. Уни 1981 йилда фойдаланишга топшириш мўлжалланяпти. Шундан сўнг бу ерда кўпайтирилаётган фойдали ҳашаротлар райондаги бошқа колхоз ва совхозларга ҳам етказиб берилади.

КПСС XXVI съезди шарафига авж олган соцлистик мусобақага қўшилган колхоз пахтакорлари 8 минг тонналик «оқ олтин» хирмони барпо этишни кўзлаб, мардлар майдонига айланган пахтазорларда жасорат кўрсатиб, тадбиркорлик билан меҳнат қилаётирлар. Ғўза парваришида 50 ва 60 центнерчилар ҳаракатига қўшилган Адолат Рўзиматова, Хошим Раззоқов, Қўшбой Жумабоев, Абдуғани Алимовлар бошлиқ бригадалар пахтакорлари намуна кўрсатишяпти. Хўжалик аъзолари ғўза парваришини бўшаштирмаган ҳолда ҳосил теримига ҳам тайёргарликни кучайтириб юборганлар. Улар бу йил ялпи пахта ҳосилининг 95 процентини машиналар билан териб олишга аҳд қилишган.

Э. ИСМОНЛОВ.



Нурмуҳаммад Толипов бошлиқ звено коллективи Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози пахтакорлари ўртасида ҳосилга-ҳосил қўшиш учун авж олдирилган социалистик мусобақада пешқадамлик қилаётир. КПСС XXVI съезди шарафига 63 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 42 центнердан «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олган заршунослар ғўза парваришини тобора кучайтирмоқдалар. Суратларда: звено етакчиси Н. Толипов; ғўза қатор ораларига ишлов бериш.

А. Абалян фотолари.

ПАРТИЯ, СОВЕТ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК, КАСАБА СОЮЗ ВА КОМСОМОЛ ТАШКИЛОТЛАРИ, ҚИШЛОҚ МЕҲНАТКАШЛАРИ ҲОСИЛНИ ҚИСҚА МУДДАТЛАРДА ВА ҲЕЧ НОБУД ҚИЛМАЙ ЙИҒИШТИРИБ ОЛИШ, ДАВЛАТГА ДОН ВА ТЕХНИКА ЭКИНЛАРИ, ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ СОТИШ ЮЗАСИДАН БЕЛГИЛАНГАН ПЛАНЛАР ВА МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ, ОЗУҚА ТАЙЁРЛАШ, ЧОРВА ҚИШЛОВИНИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТКАЗИШ УЧУН ҲАММА ЧОРАЛАРНИ КЎРИШЛАРИ ЛОЗИМ.

(КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисида»ги қароридан).

ҚЎШҚАНОТ

ПАХТА майдонларимиз 876 гектар жойни эгаллайди. Ўтган йили бу майдонларнинг ҳар гектаридан 47 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтардик. Бўлимимизда эса 126 киши ишлайди. Бошқача қилиб айтганда ҳар бир ишловчи ҳисобига ўртача 33 тоннадан кўпроқ пахта етиштирилди. Бу техника шарофатидир.

Ҳақиқатан ҳам ҳозирги вақтда техника пахтакорнинг қўш қаноти бўлиб қолди. Бўлимимизда пахта етиштиришдаги барча асосий ишлар — далаларни шудгорлаш, ўғитлаш, ерларни текислаш, чигит экиш, ғўза қатор ораларига ишлов бериш, чеканка тўла механизациялашган. Етиштирилган ҳосилнинг асосий қисми ҳам машиналарда йиғиштириб олинаяпти. Жумладан, ўтган йили ялпи пахта ҳосилининг 97 процентн хирмонга «зангори кема»лар бункерларидан тўкилди.

Бўлимимиз коллективи КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисидаги қарорига амалий иш билан жавоб бериш учун курашаётирлар. Улар съездолди йилида пахта ҳосилдорлигини 50 центнерга етказишга бел боғлаганлар. Ғўзаларимизнинг авжи, тўпланаётган ҳосил, албатта, бу ваъдамизнинг устидан чиқишимизга умид туғдираётир. Пахтакорларимиз ҳозиргача ғўза қатор ораларига олти марта ишлов бериб, экинни тўрт марта об-ҳаётга қондирдилар. Ҳосилга-ҳосил қўшиш учун курашда Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Абдусаттор Сулаймонов ва Энвер Алиев, Нурмуҳаммад Саидбоев, Тўлқин Олимжонов, Собир Шералиев каби дала гвардиячилари, сувчилардан Шамшо Бегматов, Ҳайрулла Шевкетов, Султоналн Содиқов, Амин Абдусаломовлар айниқса, жонбозлик кўрсатаётирлар. Умуман, шу кунларда пахта далаларимизда 20 та трактор билан ғўза культивацияси ўтказиляпти. Йигирма нафар сувчи эса пахтазорларга об-ҳаёт тараляпти. Бўлимимиз коллективи ғўза чеканкасини ҳам тугаллаган.

Ҳосил кўчатдан олинишини яхши билган пахтакорларимиз ҳар туп ғўзани авайлаб парвариш қилаётирлар. Ҳозир пахта далаларимизнинг ҳар гектарида ўртача 125 минг туп кўчат бор. Уларни ҳосил етилгунча тўла сақлаб қолиш механизатор ва сувчиларимизнинг асосий мақсадларидир. Бўлимимизда гектарлардаги кўчатлар қалинлигини йиғим-теримгача тўла сақлаб қолган бригадалар коллективларини моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш тадбирлари белгиланган.

Пахта терими мавсуми ҳам тобора яқинлашиб келаётир. Бу йил ҳосил барвақт етилишини назарда тутган ҳолда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1980 йил ҳосилини териш ва тайёрлашга ҳозирлик кўриш тўғрисидаги қарори асосида мавсумга тайёргарлик ишларини кучайтириб юборганмиз. Механизаторларимиз барча терим агрегатларини сифатли ремонт қилиб, ишга тахт қилиб қўйдилар. «Зангори кема»лардан юксак унум билан фойдаланиш мақсадида ҳар бир пахта териш машинасига иккитадан механик-ҳайдовчи тайёрлаётирмиз.

Совхозимизда бўлгани каби бўлимимизда ҳам ипатоволикларнинг илғор тажрибаси асосида иш тутнлади. Ҳозирнинг ўзида терим-транспорт отрядларини тузишга киришганмиз. Пахта териш машиналари бир дақиқа ҳам бекор туриб қолмаслиги учун уларга етарли миқдорда транспорт трактолари ва тележкалар ажратилади. Машиналарнинг техника қарови ҳам бевосита пахтазорларда ўтказилади. Бунинг учун кўчма устахоналар ишн йўлга қўйилади.

Бўлимимиз коллективи ўртасида КПСС XXVI съезди шарафига социалистик мусобақа йиғим-терим даврида, айниқса, кенг авж олдирилади. Ҳозир бу мусобақа шартларини ишлаб чиқаётирмиз. Мусобақага ҳар беш кунда якун ясаб, илғорларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб борамиз.

Пахтакорларимиз съезд шарафига олган юксак социалистик мажбуриятларини қисқа муддатда бажаришни режаламоқдалар. Бу ютуққа эришишда техника, ҳеч шубҳасиз, уларнинг қўш қаноти бўлади.

А. АИВАЗОВА,
Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг бўлим бошқарувчиси, республикада хизмат кўрсатган пахтакор.

ҲАМ МОДДИЙ, ҲАМ МАЪНАВИЙ

Социалистик мусобақа ҳозирги пайтда қудратли кучга айланган. Меҳнат коллективлари ўртасидаги ўзаро беллашув янги-янги ташаббусларни туғдиряпти, улкан муваффақиятлар гарови бўлмоқда. Кейинги йилларда областимизда кенг қулоч ёзган элликцентнерчилар ҳаракати бу ташаббусларнинг энг ёрқинларидан биридир.

Бригадамиз коллективи ҳам областимизнинг мўл ҳосил усталари ташаббусига жўшилиб, ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида 80 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариш мажбуриятини олишган. Юксак аҳдга яраша мўл ҳосил етиштириш учун курашнинг ҳамма босқичларида социалистик мусобақа жуда катта аҳамият касб этаётир. Бригадамиз пахтакорлари далаларни экишга тайёрлаш, ерга барака уруғи қадаш, чигитни бир текисда ундириб олиш, ғўза қатор ораларига ишлов бериш даврларида ўзаро мусобақалашиб меҳнат қилдилар. Бу ҳар бир агротехника тадбирини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш имконини берди. Пахтазорларда сувчиларимиздан Жумақул Асроқулов, Ҳайдар Мирзалиев, Тошқанбой Эргашев, колхозчилардан Э. Йўлдошева, Н. Сирожиддинова, Т. Мухиддинова, М. Алижоновалар кўпчиликка ибрат кўрсатиб ишлаётирлар. Улар бир неча марта ўзаро мусобақа голиблари деб топилишди.

Ҳозирги пайтда биз ғўза парваришини бўшаштирмаган ҳолда ҳосил теримига ҳам пухта тайёргарлик кўраётирмиз. Бригадамиз коллективи КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилишган. Бу мусобақани йиғим-терим мавсумида янада кучайтиришга қаратилган тадбирларни белгилаб қўйганмиз.

Бригадамизда етиштирилаётган пахта ҳосилининг асосий қисми машиналарда терио олинади. Шундай экан, йиғим-теримда ҳам механизаторлар асосий роль ўйнашади. Улар ўртасида мусобақани кучайтиришга алоҳида эътибор берамиз. Совхозимизда механик-ҳайдовчилар ўртасидаги мусобақа шартлари ишлаб чиқилди. Бу мусобақага ҳар беш кунда якун ясаш мўлжалланган.

Бригадамиз дала гвардиячилари совхоз механик-ҳайдовчилари ўртасидаги меҳнат беллашувида актив қатнашишади. Мусобақа илғорларини рағбатлантиришнинг таъсирчан воситалари ҳам қўлланилади. Жумладан, беш кунлик якунга кўра энг кўп пахта теришга эришган «зангори кема» капитани шарафига бригада дала шийпонида меҳнат шон-шуҳратн байроғи кўтарилади. Уларнинг иш тажрибаси деворий газета ва жанговар варақаларда кенг оммалаштирилади. Пешқадам механик-ҳайдовчиларни пул мукофотлари билан ҳам тақдирлаш белгилаб қўйилган.

Бригадамизнинг барча аъзолари ўртасида ҳам социалистик мусобақани кучайтириб, етиштирилган ҳосилни тезроқ йиғиштириб олиш чораларини кўрамиз. Партиямизнинг XXVI съездига арзигулик меҳнат совғалари тайёрлаш учун куч-ғайратимизни аямаймиз.

Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Оққўрғон районидаги С. Сегизбоев номли совхозининг бригада бошлиғи.

ИШЧИ НОМИ — ШАРАФЛИ НОМ

МУРАББИЙ

Шу кунларда Тошкент тўқимачилик комбинатининг қайси бир цехи ёки участкасига кирманг, зўр ғайратшижоат билан қилинаётган меҳнатнинг гувоҳи бўласиз. Барча тўқимачилик корхоналар ишлаб чиқаришни такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети белгилаган тадбирларни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшиш иштиёқи билан ишламоқдалар.

Ана шу тадбирлар туфайли комбинат коллективи сафига 2 мингга яқин ёш йигит-қизлар келиб қўшилишди. Уларнинг аксарият кўпчилигида ҳеч қандай касб йўқ. Бу ёшларга ҳунарни қисқа муддатларда ўргатиш, уларда тўқимачилик касбига меҳр уйғотиш муҳим вазифадир. Корхонанинг юзлаб тажрибали ишчи-хизматчилари ана шу хайрли ишда фаол қатнашмоқдалар. Барча цехлар ва бўлимларнинг партия ташкилотлари ҳар бир коммунист ёшларнинг мураббийси бўлиши керак деган қарор қабул қилди. Бу қарорлар муваффақиятли амалга оширилмоқда. 1400 дан ортиқ тажрибали мураббийлар ёш касбдошларини оталиққа олишди.

Қобилжон Ҳасанов ана шундай мураббийларнинг энг яхшиларидан бири. Унинг номини комбинатда ҳурмат билан тилга олишади. Меҳнатга сидқидилдан ва виждонан муносабатда бўлишни волидаси машҳур тўқимачи, Тошкент тўқимачилик комбинатидаги кўп йиллик самарали иши Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвон билан тақдирланган Марҳамат Йўлдошевадан ўрганди. Ишбилармон, тиниб-тинчимас, билмаганларини билиб ўрганишдан эринмайдиган, тажрибали касбдошларининг иш усулларини тинимсиз ўрганадиган Қобилжон мастер ёрдамчиси сифатида кўпчиликка намуна бўлмоқда. Ишни ташкил этиш, дастгоҳларни қисқа муддатда ва сифатли созлаш соҳасида бу моҳир тўқимачи билан беллаша оладиганлар жуда кам топилади.

Доимгор ишчига кўпинча энг мураккаб вазифалар топширилади. Корхонада янги йигирув асбоб-ускуналари ўрнатилганда уларни ўзлаштириш ҳам биринчи бўлиб Қобилжон Ҳасановга топширилди. У БД-200 маркали ҳуччусиз йигириш машинасини созлади. Унинг қувватини қисқа вақт ичида лойиҳадаги даражага етказди.

1977 йилда эса пневматик йигирув машинасини ўзлаштириш ҳам шу моҳир мастер ёрдамчиси зиммасига юклатилди. У бу мураккаб ва унумли агрегатларнинг тузилишини пухта ўрганди, уларни ишлатди. Шундан сўнг бошқалар ихтиёрига топширди. Ўзи эса бирйўла 25 та машинага хизмат кўрсата бошлади. Бу нормадагига нисбатан 11 та кўп эди.

Моҳир мастер ёрдамчиси ўз касби бўйича ўтказилаётган мусобақаларда кўпинча голиб чиқмоқда. У бир неча йилдан бери бригадага раҳбарлик қилиб келаяпти. Бир онла аъзоларидек аҳил ва иноқ бу бригада коммунистик меҳнат коллективи деган юксак номга сазовор бўлган. Бригада аъзолари ишининг миқдори ҳам, сифати ҳам кўнгилдагидек бўлмоқда. Планлар ҳар куни тўла ва знёдаси билан адо этилмоқда.

Шогирдларга касб маҳоратини, тажрибасини ўргатиш, уларни илғор ишчилар сафига етказиб олиш ҳақиқий ишчи учун энг қувончли воқеадир. Қобилжоннинг собиқ шогирдлари ўзи билан бирга ишламоқда. Улар устозларидек меҳнатсевар, ишбилармон, зиммаларидаги вазифага виждонан муносабатда бўлишади. Айрим собиқ шогирдлари эндиликда меҳнатда Қобилжон билан тенглашибгина қолмай, ҳатто ошиб ҳам кетишган. Мастер ёрдамчиси бундан бениҳоя мамнун бўлади. Кечаги шогирднинг бугун унумли ва сифатли ишлаб, кўпчиликнинг оғзига тушиши ҳар бир устоз учун катта шарафдир.

Қобилжон ҳозирги вақтда навбатдаги ёш ишчига ўз касбини ўргатмоқда. Шогирди Валерий Асташев меҳнат қўйнига келганига эндигина икки ҳафта бўлди. Йигит омадли экан, дейишади комбинатдагилар, у ўз касбининг моҳири бўлган мураббийга шогирд бўлиб тушди. Шубҳасиз, у ҳам келажакда ўз устози сингари меҳнатсевар бўлади.

А. ГЕХТЛЯР.

МУЗИКА ПРОПАГАНДАСИ МУАММОЛАРИ

ТИНГЛОВЧИЛАР НЕГА КАМ?

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Ўзбекистон Композиторлар союзининг республикада музика санъатини янада ривожлантириш соҳасидаги иши тўғрисида» қабул қилган қарорида музика пропагандасини яхшилаш лозимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Музика асарларининг ёш авлодга етиб боришида санъат даргоҳларида ташкил этилган лекция-концертларнинг аҳамияти каттадир. Бироқ бу лекция-концертларга келувчи ёшлар нега озчиликни ташкил этмоқда?

Бир пайтлар Д. Д. Шостакович шундай деган экан: «Музика билимдонлари ва унинг ихлосмандлари бўлиб туғилмайдилар, балки улар тарбиядан етишиб чиқадилар». Музика маданиятимизда янги тингловчилар авлодини шакллантириш ва кишиларнинг мусиқавий дидини тарбиялашда концерт абонементлари усули, музикавий лекторийлар, лекция-концертларнинг нисбатан таъсирчанлиги амалда исботланганлигидир.

М. Қори-Ёқубов номли Ўзбекистон Давлат филармониясида анча йиллардан буён болалар музика лекторийси мунтазам равишда фаолият кўрсатмоқда. Лекторийнинг иши абонемент усулида ташкил қилинган бўлиб, бу амалда томошабинларнинг катта қисмини қамраб олади. Музикали лекторийнинг концертларида Ўзбек Давлат филармониясининг барча етакчи коллективлари — республика Давлат симфоник оркестри, Т. Жалилов номидаги халқ чолғу асбоблари оркестри, «Шодлик» ва «Лазги» ансамбллари, филармония ва А. Навоий номли Ўзбек опера ва балет академик Катта театри солистлари, Тошкент Давлат консерваториясининг педагог ва студентлари актив иштирок этадилар. Мана шунинг ўзиданоқ кўриниб турибдики, партия ва ҳукуматимиз ёшларни юксак эстетик дидли қилиб тарбиялаш учун музика пропагандасига катта аҳамият беришаяпти.

Абонементлар программаси аввалдан белгиланиб тузилади. У болаларнинг ёшига қараб, бир неча группаларга бўлинади. Масалан, 1979—80 йилги мавсумда қуйидаги абонементлар тарқатилди: 1. Кичик ёшдаги ўқувчилари учун якшанба кунги (кундузги) симфония концертлар; 2. Юқори синф ўқувчилари учун якшанба кунги (кундузги) симфоник концертлар; 3. Юқори синф ўқувчилари учун музикали абонементлар; 4. Студент ёшлар учун музикали абонементлар. Ҳар бир абонемент ярим йиллик 6 лекция-концертга мўлжалланган бўлиб, баҳоси 1 сўм 20 тийин туради. Шундай қилиб, ҳар бир концертга мактаб ўқувчиси атиги 20 тийин сарф этади, лекин бу маҳоратга эга бўлган ижрочилар танланади.

Бизнинг жиддий ҳаракатларимизга қарамай, афсуски ишимизнинг барча жиҳатлари юксак савияда деб бўлмайди. Биз ҳали эшитувчиларнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳар тарафлама қондираяпмиз деб айта олмаймиз. Музика пропагандасининг энг муҳим қирраларидан бири — музика лекторийларини эшитувчилар масаласидир. Чунки, абонементларнинг деярли ҳаммаси сотилган бўлишига қарамай, концерт залида болалар кўпинча кам бўлишади.

Абонементлар асосан ГорОНО ва РайОНОларнинг таклиф хати орқали лекция-концертларнинг улар учун аҳамияти каттадир. Болаларнинг нафосат ва гўзалликни қадрлашга интилиши ошади, улар музика асарларини чуқурроқ тушунишни ўрганадилар.

Концерт программалари ҳамиша болаларнинг маънавий эҳтиёжига мос равишда қизиқарли ва мазмунли тузилади, лекторлар аудитория учун концерт мазмунини тушунтириб беришади, уларга юксак профессионал тарқатилади. Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, бу ташкилотлар ҳамиша бизнинг эҳтиёжимизга ижобий жавоб берадилар.

Абонементлар сотилади, лекин мактаб педагоглари уни эсдан чиқарадилар. Шундан сўнг музикага меҳр қўйган болалар, афсуски, лекция-концертларга жуда оз миқдорда келадилар. Мактаб педагоглари ўқувчиларни коммунистик маёнтанини ҳис этишинг кишини ташвишга солади. Бундай пайтда баъзи бир мактаб педагогларининг лоқайдлигига ва болаларнинг музикадан баҳраманд бўлишларига етарли аҳамият бермаётганидан, табиийки, изтиробга тушасан. Ахир мактаб педагоглари ўқувчиларни қайвонот боғи, кинотеатр ва музейларга экскурсияларга олиб борадилар. Бизни эса эсдан чиқариб қўйишади. Ҳолбуки, мактаб педагоглари ўзларининг ички эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, бизларга абонемент программаларини тузишда яқиндан ёрдам беришса кўнгилдагидай иш бўлиб, музикали лекторийларимиздаги камчиликлар тугатилиб, уларнинг аҳамияти янада ошган бўларди.

Истардикки, республика Маориф министрлиги, мактаб педагоглари бизнинг ишимизга яқиндан ёрдам бериб, музика пропагандасининг юксак савияда бўлишига ўз ҳиссаларини қўшадилар, бу эса ўсиб келаётган ёш авлодни юксак коммунистик ғоялар асосида тарбиялашга хизмат қилади. Бу — бизнинг умумий ишимизир, кўнгилдагидай натижаларга эса фақат бирбиримизга яқиндан ёрдам бериш орқалигина эришишимиз мумкин.

Мактаб педагоглари, келинг, биргаликда болаларга қизиқарли ва юксак эстетик завқ бағишлайдиган лекция-концертлар намойиш этайлик.

Ю. Н. БЕРОВ,
Ўзбекистон Давлат филармонияси лекторлар бўлимининг мудири, ТССР да хизмат кўрсатган артист.

МУКОФОТ МУБОРАК

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ЯШОВЧИ КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА «ҚАҲРАМОН ОНА» ФАХРИЙ УНВОНИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

ЎН ВА УНДАН ОРТИҚ БОЛА ТУҒҚАН ВА ТАРБИЯЛАГАН ҚУЙИДАГИ ОНАЛАРГА «ҚАҲРАМОН ОНА» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИЛСИН ВА «ҚАҲРАМОН ОНА» ОРДЕНИ ТОПШИРИЛСИН.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ БЎЙИЧА

Абдукимова Қўйдиниса — Пискент районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси.

Абдулҳаева Маужуда — уй бекаси, Калинин райони.

Абдурасулова Саида — уй бекаси, Янгийўл райони.

Оққулова Роза — Пискент районидаги «Гулистон» колхози аъзоси.

Алимқулова Нори — хизматчи, Паркент райони.

Орипова Нури — Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози аъзоси.

Аҳмедова Ойша — Пискент районидаги 1-«Пискент» совхози ишчиси.

Охунова Рияси — Коммунистик районидаги «Ўзбекистон» колхози аъзоси.

Бейсенова Гулзи — Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси.

Бекжонова Толча — Ўрта Чирчиқ районидаги «Коммунизм» колхози аъзоси.

Бўтаева Ойниз — Бекобод районидаги 1-«Далварзин» совхози ишчиси.

Ғофназарова Ҳайри — Бекобод районидаги «Партия XXV съезди» совхози ишчиси.

Дарҳонбоева Шарипа — Ўрта Чирчиқ районидаги «Коммунизм» колхози аъзоси.

Қаюмова Саодат — уй бекаси, Ангрен шаҳри.

Маматқулова Зулфиниса — Бекобод районидаги «Коммунизм» колхози аъзоси.

Маматова Шакар — ишчи, Ангрен шаҳри.

Мусабоева Ўнгал — уй бекаси, Бўка райони.

Меҳмонова Карима — уй бекаси, Паркент райони.

Мирахмедова Шарипа — уй бекаси, Паркент райони.

Муродова Нури — уй бекаси, Оржоникидзе райони.

Нортожиева Рияси — Бекобод районидаги «Победа» колхози аъзоси.

Насриддинова Олима — уй бекаси, Паркент райони.

Ражабоева Саломат — уй бекаси, Паркент райони.

Рўзиматова Саодат — уй бекаси, Ангрен шаҳри.

Содиқова Нафиса — уй бекаси, Тошкент райони.

Тошқулова Нодира — Бўка районидаги «Партия XX съезди» колхози аъзоси.

Тошбекова Ойэода — Пискент районидаги 1-«Пискент» совхози ишчиси.

Турғунова Жамила — уй бекаси, Паркент райони.

Ўтенбоева Тураш — Ғалаба районидаги Энгельс номли колхоз аъзоси.

Ҳамдамова Тожи — Бўка районидаги «Ленинизм» колхози аъзоси.

Эрназарова Оймсанам — уй бекаси, Калинин райони.

Эржонова Турсун — уй бекаси, Калинин райони.

Эсонова Турғуной — Пискент районидаги Свердлов номли колхоз аъзоси.

Юсупбоева Бўстон — уй бекаси, Паркент райони.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.
Москва, Кремль. 21 июль, 1980 йил.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ЭРОН—АМЕРИКА МУНОСАБАТЛАРИГА ДОИР

ТЕҲРОН. (ТАСС). Эрон матбуоти жосусликда айбланиб гаровга олинган америкаликлар тўғрисидаги масалани Эрон мажлиси (парламенти)да қараб чиқиш ва судга бериш арафасида АҚШ Марказий Разведка Бошқармаси собиқ шоҳни йўқ қилди, деб ёзмоқда. «Иттилоат» газетасининг шошилинч сонида «сиёсий доираларнинг фикрича, ағдарриб ташланган шоҳни ўлдириш режаси Марказий Разведка Бошқармаси ходими бўлган врачлардан бирининг иштироки билан амалга оширилди», деб хабар берди. «Шоҳни Марказий Разведка Бошқармаси ўлдирди, чунки бу ташкилот Эрон парламенти иш бошлагандан кейин ва гаровга олинган америкаликлар жосуслар устидан тайёрланаётган суд арафасида Эрон халқи шоҳни топшириш тўғрисидаги қонуний талабларидан воз кечмайди, деган хулосага келди.

Эрон нефть министри А. Муинфар ҳам шоҳ атайлаб ўлдирилганлигига қатъий амин эканлигини билдирди. Уни ўлдиришда АҚШнинг иштироки бор, деди у.

Ислом республикаси партияси раҳбарларидан бири мажлис депутати Ҳ. Айят «Теҳрон таймс» газетаси мухбири билан суҳбатда бундай деди: «Биз гаровга ушланиб турилган америкаликларни эмас, балки Қўшма Штатларни кейинги 35 йил мобайнида Эронда қилган жиноятлари учун суд қилишни истаймиз».

Муаммони ечиш учун АҚШ шоҳ талаб кетган бойликларни Эронга қайтариб бериши ва бундан кейин Эроннинг ички ишларига ҳеч қачон аралашмаслик тўғрисида ваъда бериши керак, деди Ҳ. Айят.

Бугун Теҳронда Эрон мажлисининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда гаровга олинганларнинг тақдирини ҳал қилиш тезлатишни сўраган Америка конгресси аъзоларининг мактуби ўқиб берилди. Парламент раиси Хошимий-Рафсанжани шу муносабат билан: ҳозирги вақтда парламент бошқа ишлар билан банд, деб айтди. АҚШ билан Эрон ўртасида «душманчилик муносабатлари» мавжуд, деди у. АҚШ ҳукумати низони бартараф этишга интилмоқдамиз, деб ёлғон гапиради.

Яқинда Эронда давлат тўнтариши қилишга уринишларда қатнашган фитначилардан яна бир группаси бугун Машҳадда қамоққа олинди. Улардан бирининг уйидан кўп миқдорда қурол-яроғ ва ҳарбий анжомлар топилди. Группа аъзолари САВАКнинг собиқ ходимлари билан алоқа боғлаганликларига, улардан пул ва йўл-йўриқ олганликларига иқрор бўлдилар.

Мамлакат президенти Банисадр Теҳронда бўлиб ўтган митингда сўзга чиқиб, бундан 37 йил муқаддам содир бўлганн ва натижада мамлакатда ҳокимият шоҳга қайтариб берилгани сингари Эронда ҳарбий тўнтариш қилиш хавфи бор, деди.

ГИЖИНИБ ТАБРИКЛАДИ

ЛОНДОН. (ТАСС). Буюк Британия бош министри М. Тэтчер Москвадаги ёзги Олимпиада ўйинларида медалларни қўлга киритган инглиз спортчиларни жамоатчилигининг ва парламентдаги лейбористлар оппозициясининг тазйиқи остида табриклашга мажбур бўлди.

Маълумки, кейинги ойларда Британия ҳукуматининг бошлиғи амалда кампанияга бошчилик қилдики, бундан қузатилган мақсад Англия Олимпиада командасининг Москвага жўнаб кетишига ҳар қандай йўллар билан ҳалақит беришдан иборат эди.

Бу гал ҳам М. Тэтчер мен ҳамон инглизларнинг Москва Олимпиадасида иштирок этишига қаршиман, деб шама қилди.

Инглиз спортчиларининг мусобақаларда яхши қатнашишлари мен учун ҳамиша ёқимли, деди М. Тэтчер, лекин мен очиғини айтаман: мен уларга бормасликни маслаҳат бердим, зотан мен уларнинг бормаслигини истагандим.

Шундай бўлса ҳам, деб илова қилди бош министр, улар Москвага боришган экан, ўзларини яхши кўрсатганликларидан мамнунман.



ҲАМКОРЛИК КУЧАЯДИ

ВАРШАВА. ЮСФР ташқи ишлар иттифоқ секретари И. Врховецнинг ПХРга қилган расмий дўстона визити якунлари юзасидан қабул қилинган Польша — Югославия ахборотида бундай дейилади: Польша билан Югославия тинчликни сақлаш ва кескинликни юмшатиш жараёнига бундан буён ҳам конструктив ҳисса қўшаверади.

Польша ташқи ишлар министри Э. Войташек ва И. Врховец Хельсинкида имзоланган Якунловчи акт қоидаларини изчиллик билан амалга оширишнинг муҳимлигини қайд қилиб ўтдилар. Улар яхши тайёрланган ва барча қатнашчилар конструктив ёндашган тақдирда Мадриддаги учрашув кескинликни юмшатиш жараёнини давом эттириш ва чуқурлаштиришга муҳим ҳисса қўшиши мумкин, деб якдиллик билан фикр билдирдилар. Министрлар ҳарбий кескинликни юмшатиш ва қуролсизланиш масаласи юзасидан Европа конференциясини чақириш тўғрисидаги таклифларнинг муҳимлигини таъкидладилар.

(ТАСС, 31 июль).

КУН ТАРТИБИДА МУҲИМ МАСАЛАЛАР

ДОРУС-САЛОМ. (ТАСС). Бурунди меҳнаткашлари олдида, деди республика президенти Ж.-Б. Багаза қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқаришининг ўсишини таъминлаш вазифаси турибди. Бужумбурадан олинган хабарларга қараганда, у мамлакатни ривожлантириш проблемаларига бағишланган матбуот конференциясида нутқ сўзлаган.

Президент қишлоқ хўжалигида эришилган муваффақиятларни қайд қилиб, ўзимизни зарур маҳсулотлар билан таъминлабгина қолмай, шу билан бирга мамлакатнинг маҳсулотни экспорт қилиш имкониятларини ва деҳқонларнинг даромадларини ҳам кўпайтиришга эришмоқ учун янги озиқ-овқат ва техника экинларини етиштиришга катта эътибор бериш кераклигини кўрсатиб ўтди. Шу мақсадда, деди у, маҳсулот тайёрлаш ва сақлашни давлат назорати остига олиш, табиий офатдан зарар кўрган хўжаликларга ёрдам беришни йўлга қўйиш лозим. Президент ерларни суғоришда республиканинг тоғли район экинларини ҳисобга олиш зарурлигини уқтириб ўтди. Мустамлакачилик даврида ваҳшийларча қирқиб ташланган ўрмонларни тиклаш, деди Ж.-Б. Багаза, бу соҳадаги муҳим ишдир.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтиришда, деб кўрсатиб ўтди у, кооперативлар асосий роль ўйнаши керак.

КАРТЕРГА ҚАРШИ КАМПАНИЯ

ВАШИНГТОН, 31 июль. (ТАСС). Оқ уй ҳозирги хўжайинининг тутган ҳалокатли иқтисодий йўли ва калтабин ташқи сиёсати туфайли обрў-эътиборининг ғоят тушиб кетганлиги Ж. Картернинг демократлардан мамлакат президенти лавозимига номзод қилиб кўрсатилишига қарши демократик партия ичида кучли кампания бошланишига сабаб бўлди.

Ҳукмрон партиянинг тобора кўп таниқли арбоблари демократларнинг 11 августда Нью-Йоркда бўладиган съезди «очиқ» ўтказилишини делегатлар дастлабки сайловда сайловчилар қўллаб-қувватлаган номзод учун овоз беришдан озод этилишларини талаб қилмоқдалар.

Эй-Би-Си мухбири «президентнинг сайловчилар ўртасидаги обрўси жуда тушиб кетган бир пайтда президент ҳунук воқеаларга дуч келаётганлигини» уқтириб ўтмоқда. Эй-Би-Синнинг Луис Харрис ҳизмати билан биргаликда жамоатчилик фикрини сўраб чиқиш маълумотларига қараганда, америкаликларнинг 77 процентн Ж. Картернинг президент лавозимидаги фаолиятига салбий баҳо бермоқдалар. «Оқ уй хўжайинининг шуҳрати, деб таъкидлайди Эй-Би-Си мухбири, Никсоннинг Уотергейт можароси вақтидаги шуҳратидан ҳам пасайиб кетди».

КОБУЛ. Афғон мутахассислари орасида «Балканкарнпекс» ташкил қилган транспорт техникаси кўргазмаси катта қизиқиш уйғотди. Унда Болгария Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган юк ортиш машиналари, юк машиналари, автобуслар ва бошқа хил техника намойиш этилди. Ҳозирги вақтда БХРда ишланган транспорт техникаси дунёнинг 60 дан ортиқ мамлакатига экспорт қилинади. Суратда: болгар инженери Эмиль Манчев афғонистонлик Муҳаммад Замонни электр юк ортиш машинаси билан таништирмоқда.

Г. Надеждин фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

«ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ» ГАЗЕТАСИ ПОЧТАСИДАН

«Тошкент ҳақиқати» газетхонлари, жойлардаги ишчи ва қишлоқ мухбирларимиз хабар берадилар.

МЕҲНАТ КАЛЕНДАРИДА — 1982 ЙИЛ

БЕКОБОДДАГИ 45-автокорхонада беш йиллик планларини муддатидан илгари бажариб, ҳозирги кунда ўн биринчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилаётган илғор шоферлар анчагина. Нури Саидҳалилов ана шундай пешқадамларнинг биридир.

Ишчан шофёр ўз машинасига яхши қарагани, ғайрат кўрсатиб астойдил меҳнат қилганлиги туфайли ҳам яхши натижаларга эришмоқда. Беш йиллик планда белгиланган 31,7 минг тонна ўрнига 51,8 минг тонна халқ хўжалик юкларини белгиланган манзилга ўз вақтида етказиб берган Нури Саидҳалилов шу кунларда 1982 йилнинг апрель ойи ҳисобига меҳнат қилмоқда.

Автокорхонанинг Бобожон Қоплонов, Тоир Холматов, Охунали Мамажонов ва бошқа ўнлаб илғор шоферлари ҳам беш йиллик планларини муддатидан илгари ўринлаб, ҳозир янги беш йиллик ҳисобига меҳнат қилмоқдалар.

Т. УСМОНОВ,
«Коммунист» район газетасининг ходими.

ШИПОНИМИЗ — ОРОМГОҲИМИЗ

ПАРТИЯМИЗ XXVI съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга аҳд қилган бригадамиз сабзавоткорлари ва боғбонлари бу йил 50 гектар майдондан пландаги 570 ўрнига 750 тонна маҳсулот етказиб бериш учун курашмоқдалар. Миришкорларимиз эртаки карам, бодринг, картошка топшириш планларини оширнб адо этдилар.

Тўрт гектар помидордан, айниқса, яхши ҳосил олинмоқда. Ҳозиргача давлатга 50 тоннадан зиёд помидор ҳосили етказиб берилди. Соҳибкорларимиз олма топшириш йиллик планини ҳам бажариш арафасида турибдилар.

Яхши дам — меҳнатга ҳамдам, дейди халқимиз. Дала шийпонимиз бригадамиз аъзоларининг энг севимли дам олиш масканн ҳисобланади. Унда ҳамма қулайликлар муҳайё: радио, биллиард, шахматшашка, кўчма кутубхона мавжуд. Колхозчилар бу ерда маданий ҳордиқ чиқариш билан бирга дунё воқеалари билан ҳам танишиб боришади. Бу ерда вақтли матбуот мунтазам келтириб турилади, қизил бурчак одамлар билан гавжум.

Ҳ. КАРИМОВ.
Калинин районидаги Калинин номли колхоз бригада бошлиғи.

КОМСОМОЛ ОТРЯДИ ПИЧАН ЎРИМИДА

СОВХОЗИМИЗДА табиий ўтлардан пичан тайёрлашга алоҳида эътибор берилаяпти. Бу ишда, айниқса, комсомол-ёшларимиз ибрат бўлишаяпти. 30 кишидан ташкил топган комсомол-ёшлар отряди шу кунларда ариқ ва зовур бўйларида қалин ўсган ўтлардан пичан ғарамларини уймоқдалар. Ҳозиргача уларнинг кучи билан 80 тонна пичан тайёрланди.

Ўримда С. Немеровский, Ҳ. Хусанов, А. Муротов, Б. Пирмонов, С. Абдумеров сингари комсомол-ёшларимиз ўрнак кўрсатишяпти.

Т. ОРИФХОНОВ,
Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» совхози комсомол комитетининг секретари.

ҚИШЛОҚ СОВЕТИ ЯНГИ БИНОДА

ОРЖОНИКИДЗЕ районидаги қишлоқ ва поселка Советлари учун янги маъмурий бинолар қад кўтармоқда. А. Матқобулов номли қишлоқ Советининг идораси илгари эски, кўримсиз эди. У яқинда янги бинога кўчиб ўтди. Бу ерда келин-куёвларни никоҳдан ўтказиш маросимлари ва ўқув зали, қатор шинам хоналар мавжуд.

Худди шундай кўркам бинолар Байтқўрғон, Куйбишев, Тузель ва Май қишлоқ Советлари учун ҳам қуриб берилди.

И. НЕЪМАТОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

ҚАҲРАМОН ОНАНИНГ ДИЛ РОЗИ

БИЗ яқинда Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг Келес массиви яйловларида бўлдик. У ерда бугдойзорда ўз қичқинтонини етаклаб бораётган аёлни учратиб қолдик. Кейин билсак, у киши 14 фарзандининг волидаси, Қаҳрамон она Анжир опа Абдиева экан. У билан суҳбатлашиб, ҳамроҳ бўлдик.

— Бепоён яйловларни, эл ризқи тўкилган бугдойзорларни ёшлигимдан севаман. Болаларимга ҳам ана шу меҳр юққан. Турмушимиз тўкин-сочин, ҳеч нарсадан камчилигимиз йўқ. Ана шу фаровон ҳаётимизни кўриб, жонажон партия-ҳукуматимиздан жуда-жуда миннатдор бўлиб қўяман. Ахир, илгариги замонда 14 болани боқиб катта қилиш, уларни бахтга эриштиришнинг ўзи бўлармиди. Шунинг учун турмушимизга минг шукур қиламан. Катта ўғлим Тўқсанд Калинин районидаги Охунбобоев номли қўйчилик совхозида бухгалтер, Анорбой Тошкент районидаги Навоий номли колхозда шофер бўлиб ишлашади. Эржанбой ва Эсенбеклар Совет Армияси сафида. Уч фарзандим техникумда, беш болам мактабда ўқийди. Кенжатойим ҳали ёш, қўлимда.

Ҳа, Анжир опа чиндан ҳам Совет даврида катта бахт топган аёллардан. Шунинг учун ҳам у на чарчаш, на кексайишни билади. У ҳайрли ишдан сира четда қолмайди. Анжир опани «қўли шифо оппоз» деб ҳурмат қилишади.

В. БОБОХОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

МЕҲМОНЛАР ҚАЕРДА ЕТИШАДИ

АГАР бу томонга йўлингиз тушса-ю, ётиб қолмоқчи бўлсангиз, албатта йиғма кровать билан кўрпа-тўшак олиб келинг, қўнадиган жой йўқ. Кўча-кўйда бир амаллайсиз. Келган меҳмонлар қаерда ётишади? Бу саволга Оҳангарон шаҳрида ҳамон жавоб йўқ.

Ажабланманг! Цемент комбинати, «Сантехлит» заводи, 8-темир бетон буюмлари ва ун комбинатлари бўлган шундай йирик бир шаҳарда биронта меҳмонхона бўлмаса-я?!

Бунинг устига шаҳарда аҳолига машиий хизмат кўрсатиш ҳам чатоқ. Янка ягона нонвойхона йиллаб ишламайди. Шаҳар савдо идораси ихтиёридаги бу нонвойхона ҳаровсиз ётавериб, шундай бир аҳволга келганки, қулай-қулай деб турибди. Наҳорга иссиқ оби нонлар ейиш орзусида бўлган шаҳарликлар ҳозир нонвойхона бор-йўқлигини ҳатто эслаб чиқариб юборишган. Бу ҳақда район газетасида бир неча бор ёзилди. Аммо, ишда ҳеч бир силжиш йўқ.

Шаҳар марказида жойлашган ёлғизгина ҳаммом ҳам негадир ҳамма вақт қулф. Шаҳар ижроия комитети меҳмонхона қуришни ҳал қила олмаса лоақал нонвойхона билан ҳаммомни ишлатишга ёрдам бера олармикин?

К. ЕРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

MOCKBA – 1980 ЙИЛ

ОЛИМПИАДА КУНДАЛИГИ

ҲУРМАТ ШОҲСУПАСИДА

ОЛИМПИАДАНИНГ ЎН ИККИНЧИ КУНИ

БАСКЕТБОЛ

АЁЛЛАР. СССР терма командаси.

ЭРКАКЛАР. Югославия терма командаси.

ЭРКИН КУРАШ

52 килограммгача вазнлилар ўртасида. **АНАТОЛИЙ БЕЛОГЛАЗОВ.** (СССР).

74 килограммгача вазнлилар ўртасида. **ВАЛЕНТИН РАЙЧЕВ.** (Болгария).

100 килограммгача вазнлилар ўртасида. **ИЛЬЯ МАТЕ** (СССР).

ДЗЮ-ДО

71 килограммгача вазнлилар ўртасида. **ЭЦИО ГАМБА.** (Италия).

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

ЭРКАКЛАР. 400 метрга югуриш. **ВИКТОР МАРКИН.** (СССР). Ядро улоқтириш. **ВЛАДИМИР КИСЕЛЁВ** (СССР). Шест билан сакраш. **ВЛАДИСЛАВ КОЗАКЕВИЧ** (Польша). 50 километрга спортча юриш. **ХАРТВИГ ГАУДЕР** (ГДР). Аёллар. 200 метрга югуриш. **БАРБЕЛЬ ВОККЕЛЬ** (ГДР).

ҚЎЛ ТЎПИ

ЭРКАКЛАР. ГДР командаси.

ОҒИР АТЛЕТИКА

110 килограммдан юқори вазнлилар ўртасида **СУЛТОН РАҲМОНОВ** (СССР).

Москва Олимпиадаси ўзининг финиш чизиғига яқинлашмоқда. Ташкилий комитетнинг темир сандиғидаги 203 та медаллар комплектининг 152 таси ўз эгаларига топширилди.

XXII Олимпия ўйинлари ўз кўлами, кескин кураши, ҳаяжонли дамлари билан қатнашчиларда ҳам, томошабинларда ҳам жуда бой таассурот қолдирмоқда.

Жаҳоннинг энг кучли спортчилари йиғилган бу улкан анжуманда серқуёш республикамиз вакиллари ҳам ҳар қачонгидан кўра яхши қатнашмоқдалар. Ватерполчи **ЭРКИН ШАГАЕВ,** волейболчи **ЛАРИСА ЛУНИНА-ПАВЛОВА,** велоспортчи **АЛЕКСАНДР ПАНФИЛОВ,** қиличбоз **СОБИР РЎЗИЕВ,** мерган **РУСТАМ ЯМБУЛАТОВЛАР** кўксини олтин ва кумуш медаллар безади.

ВАТЕРПОЛЧИЛАРНИНГ учрашувларини кузатган ҳар бир мухлис тошкентлик Эркин Шагаевнинг тезкорлигига тан берди. Судья хушидан кейин марказдаги тўп учун бўлган курашда Эркин Шагаев ҳамиша ғолиб келди. Бу албатта, командамизнинг умумий ғалабасида муҳим роль ўйнади. СССР терма командасининг Югославия ватерполчилари билан бўлган ҳал қилувчи учрашуви ниҳоятда кескин ўтди. Буни таблодаги якунловчи ҳисоб ҳам кўрсатиб турипти. 8:7 ҳисобида устун келган командамиз саккиз йиллик танаффусдан сўнг иккинчи марта Олимпиада чемпиони деган номни қўлга киритди.

ВОЛЕЙБОЛЧИЛАР баҳсида олтин медаль учун финалда СССР ва ГДР командалари учрашди. Ўйин кутилганидан ҳам кескинроқ ўтди. Икки бўлимдан кейин ҳисоб 1:1 эди. Учинчи бўлимда ГДР волейболчилари ҳужумга зўр бериб, олдинга ўтиб олишди. 10:5, 13:7. Шундан кейин волейболчиларимиз ўйинда бурилиш ясаб, орадаги фарқни камайтира бордилар ва вазиятни тенглабгина қолмай балки 15:13 ҳисобида устун келишди. Тўртинчи бўлимда ГДР волейболчилари яна олдинга ўтиб олишди. Лекин улар бу сафар ҳам ниятларини амалга оширо олмадилар. Умумий 3:1 ҳисобида ғолиб келган СССР волейболчилари Олимпиада чемпиони бўлишди. Терма командамиз сафида қатнашган тошкентлик Лариса Лунина-Павлова ҳам олтин медаль эгаси бўлди.

ОЛИМПИАДАНИНГ бирор куни йўқки, унда рекордлар ўрнатилмаган бўлсин. Бу борада оғир атлетикачилар ўрнак кўрсатдилар. Улар жаҳон рекордлари жадвалига 18 та ўзгартиш киритишди. Мухлислар айниқса оғир вазнлилар баҳсини орзиқиб кутдилар. Жаҳонда энг кучли деган номни олган Василий Алексеев ҳам қатнашди. Лекин бу полвон 180 килограмм оғирликдаги штангани кўтаришда муваффақиятсизликка учраб, мусобақадан чиқиб қолишга мажбур бўлди. Аммо, бошқа вакилимиз жаҳон ва Европа чемпиони Султон Раҳмонов мисли кўрилмаган натижага эришди. У штангани даст кўтаришда 195 килограммлик натижа билан Алексеевнинг Монреалдаги рекордини ўн килограммга янгилади. Штангани силтаб кўтаришда эса ўз ҳаётида биринчи бор 245 килограммлик маррани эгаллади ва икки курашда 440 килограмм натижа билан Олимпиада чемпиони бўлди. Иккинчи ўринни олган ГДР вакили Юрген Хойзер спортчимизга 30 килограмм ютқазди.

Олимпиаданинг ўн иккинчи кунида яна 13 та медаллар комплекти ғолибларга аниқланди. СССР аёллар баскетбол командаси ҳурмат шоҳсупасининг энг юқорисига кўтарилди. Эркаклар командамиз эса бронза совриндори бўлди.

ЭРКИН КУРАШЧИЛАРНИНГ баҳсида 52 килограммгача вазнда қатнашган Анатолий Белоглазов, 100 килограммлилар вазнида Илья Мате, енгил атлетикачиларнинг 400 метрлик югуришида Виктор Маркин, ядро улоқтиришда Владимир Киселевлар командамизга олтин медаль олиб бердилар.

МЕДАЛЛАР, МЕДАЛЛАР! Олимпиаданинг ҳар бир иштирокчиси ғолиблар шоҳсупасидан ўрин олиш ниятида стартга чиқади. Лекин бу энг кучлиларгагина насиб бўлади. 30 дан зиёд мамлакат терма командалари вакиллари Москва Олимпиадасининг медалларини кўлга киритишга муяссар бўлдилар. Лекин энг кўп медалларга совет спортчилари эришмоқдалар. 30 июлдаги мусобақалардан сўнг совет спортчилари ҳисобида 56 та олтин, 50 та кумуш ва 31 та бронза медаллари бор. Германия Демократик Республикаси вакиллари эса 34 та олтин, 29 та кумуш ва 30 та бронза медалларига муяссар бўлдилар. Норасмий команда ҳисобида СССР спортчилари пешқадамлик қилишмоқда.

Эртага Москва олимпиадаси программасининг сўнгги турларига ҳам якун ясалади. 3 августда эса Олимпиада байроғи тантанали суръатда туширилади.

СССР ва Германия Демократик Республикаси хотинқиз гандболчилари ўртасида ўтказилган финал учрашуви ниҳоятда кескин ва қизиқарли курашлар остида ўтди. Учрашув давомида ташаббусни бой бермаган совет спортчилари ғалаба қозониб, олтин медални қўлга киритишди.

Суратда: учрашув пайти.

(«Правда»дан).

МЕДАЛЛАР, РЕКОРДЛАР, ТОМОШАБИНЛАР

Реклама ва эълонлар

ДИҚҚАТ: ГАЗ МАГИСТРАЛИ!

УРТОҚЛАР!

СИЗНИНГ РАЙОНИНГИЗ ЕРЛАРИДАН УМУМДАВЛАТ АҲАМИЯТИГА ЭГА БЎЛГАН ЮҚОРИ ҚИММАТ ТУРУВЧИ ИНШООТ — МАГИСТРАЛЬ ГАЗОПРОВОД ТРАССАСИ ЎТАДИ.

Газопровод ва унинг иншоотлари (алоқа линиялари, кранлар, огоҳлантириш белгилари, катод станциялари ва бошқалар)га нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ҳар бир гражданнинг бурчидир.

Эсингизда бўлсин, газопровод портлаш ва ёнғин чиқишига олиб келиши мумкин бўлган манба сифатида ниҳоятда хавфлидир.

Кишиларнинг ҳалокатга учраши ва моддий зарар етишмаслиги учун газопровод муҳофаза (газопроводдан 250 метрда) зонасида,

Бирор қурилиш қилиш, дала шийпонлари, ток манбалари, заправка пунктларини жойлаштириш, чорва моллари учун сувлоқ ва қўралар ташкил қилиш, силос ўралари қазиш, пичан ғарамлаш, пахтани қуритиш ва сақлаш учун майдончалар қуриш, қум карьерлари ва бошқа хилдаги карьерлар барпо қилиш, ахлатхона сифатида фойдаланиш, сомон ва қишлоқ хўжалик чиқитларини ёқиш, одамлар, техника, чорва молларининг тўпланишига йўл қўйиш.

ҚАТЪИЯН МАН ЭТИЛАДИ

Газопровод муҳофаза зонасида қишлоқ хўжалиги ва қурилиш-монтаж ишларини фақат «Узбектрансгаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси билан келишилгандан кейингина амалга ошириш мумкин.


АҲОЛИ, КОРХОНАЛАР, ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ, КОЛХОЗЛАР ВА СОВХОЗЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ, ҚУРУВЧИЛАР, ПРОРАБЛАР ВА МЕХАНИЗАТОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Узбекистон ССР территориясида қуйидаги магистраль газопроводлар ётқизилган: ЖАРҚОҚ—БУХОРО — САМАРҚАНД —ТОШКЕНТ, — ЯНГИЕР — ҚЎҚОН—ФАРҒОНА — АНДИЖОН, ҚЎҚОН — НАМАНГАН — АНДИЖОН, БУХОРО ГАЗ КОНИ РАЙОНИ, ТОШКЕНТ — ФРУНЗЕ — ОЛМАОТА, ГАЗЛИ — КОГОН, КЕЛИФ—МУБОРАК ВА УЛАРНИНГ ТАРМОҚЛАРИ.

Газопровод муҳофаза зонасида қурилган бинолар ва иншоотлар бузиб ташланади.

Магистраль газопровод ва электр узатиш линиялари ўтган районда йўллар қуриш, кабеллар, водопровод қувурлари ва бошқа ер ости, ер усти ҳамда ер ювоси коммуникацияларини ётқизиш, шунингдек янги ерларни ўзлаштириш ва текислаш ишлари фақат олдиндан келишилган аҳдлашувга мувофиқ амалга оширилади.

Газопроводлар ва электр узатиш линиялари муҳофаза зонасида ўзбошимчалик билан қурилиш ва ер қазиш ишларини ўтказиш авария, бахтсиз ҳодисаларга, моддий зарар кўриш ва шу каби бошқа жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин.



КОЛХОЗЛАР, СОВХОЗЛАР ВА «УЗГОСКОМСЕЛЬХОЗТЕХНИКА» БИРЛАШМАЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ ДИҚҚАТИГА!

СН-452-73 магистраль трубопроводлари учун ер ажратиш нормаларига мувофиқ ерости магистраль трубопроводлари устидаги ерлардан трубопроводларга зиён етказмаслик чораларига амал қилган ҳолда фойдаланиш лозим.

Газопровод ўтган районларда ерлардан фойдаланганда хавфсизликни таъминлаш учун дала ишлари бошлангунга қадар «Узбектрансгаз» ишлаб чиқариш бирлашмасининг руҳсатини олиш шарт.

«Узбектрансгаз» ишлаб чиқариш бирлашмасининг адреси: Тошкент шаҳар, ГСП, Педагогическая кўчаси, 31-«а»-уй.

Руҳсатнома олиш учун, шунингдек Когон, Оҳтош, Ғалаорол, Фарғона шаҳарларидаги магистраль газопроводларнинг линия ишлаб чиқариш бошқармаларига мурожаат қилиш мумкин.

МАГИСТРАЛЬ ГАЗОПРОВОДЛАР ЯҚИНИДА ХУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!

«УЗБЕКТРАНСГАЗ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕСС-АГЕНТЛИГИ.

ОТА-ОНА ОБРЎСИ—БОЛАГА ИБРАТ

ТАРБИЯ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Бола тарбияси ғоят мураккаб нозик ва алоҳида масъулият талаб этади. Табиийки, фарзанд дастлабки тарбияни оилада олиши зарур. Бунда ота-онанинг роли беқиёс эканлиги ҳаммага маълум. Чунки ундаги хислат, одат ва характернинг шаклланиши оиладаги муҳит ва таълим тарбияга боғлиқдир. Шунинг учун болани болалик, ғўдаклигидан софдил, ростгўй, меҳнатсевар, ҳушмуомала ва хушчақчақ, орли-номусли қилиб тарбиялаш учун аввало ана шу хислатлар ота-онани ўзида бўлмоғи шарт. Зеро, қуш уясида кўрганини, қилади.

Катта бўлганида «эсини тоғиб олар» қабилида иш тутиш тарбияга нақадар зарар келтиришини изоҳлашга ҳожат бўлмаса керак.

Тарбияни тўғри йўлга қўйишда оиладаги болаларнинг оз ва кўп бўлиши ҳам катта роль ўйнайди. Одатда оз болага нисбатан кўп болани тарбиялаш осонроқ бўлади, чунки, улар бир-бирларининг кетидан эргашиб бораверадилар.

Биз шу ўринда фикримизнинг далили учун кўп болалик оилаларидаги тарбия хусусида фикр юритмоқчимиз. Тошкент шаҳрининг Соғбон кўчаси 113-уйда истиқомат қилувчи Қаюмхўжа Мансуровнинг тўрт ўғли, уч қизи бўлиб, улардан иккитаси инженер, бири доктор, қолганлари ҳам турли соҳаларда ишлайдилар.

Отахон 45 йилдирки, «Қўштут» маҳалла комитетига раислик қилиб келмоқдалар. Узоқ вақт Тельман номли артелда раҳбарлик вазифасида ишлаганлар. Айни пайтда 22 набира ва эвараларнинг бувасилар. 82 баҳорни кўрган отахон ҳозир ҳам 24-мактаб ота-оналар комитетига раис сифатида катта тарбиявий ишларни олиб бораяптилар.

Отахоннинг оиласида ҳамма ишлар болаларнинг қобилиятларига қараб, ўғил болалар учун алоҳида, қизчалар учун алоҳида бўлиб берилган. Улар ҳар қандай юмушни астойдил бажаришади. Хонадон саранжом-саришта, болалар ўртасида ўзаро ҳурмат, ишонч бор. Оиланинг обрини енгил қилишади.

Шу кўчанинг «Сариқсув» проездида истиқомат қилувчи яна бир оила бор. Уларнинг фарзандлари 12 ўғил-қиз. Бу оилани ишчилар оиласи деб аташимиз. Сирожиддин Муҳиддинов, унинг умр йўлдоши Нафиса Муҳиддиновалар ўстирган 12 фарзандга ҳамманинг ҳаваси келади. Одоб-ахлоқда, юришуришда бутун маҳалла аҳли уларнинг фарзандини ўрнак қилиб таърифлашади.

Юқорида айтганидамиздек, кўп болали оиладаги тарбия ўзига хос хусусиятларга эга. Бола ёшлигидан бошлаб коллектив ҳаётга ўрганади, тенгдошлар билан ўзаро муносабатда бўлади. Ўзидан катта ака ва опаларини ҳурмат қилишга, ука ва сингилларини сийлашга одатланади. Улар ҳар доим бир-бирларига ёрдам берадилар, билмаганларини ўрганиб, билганларини ўргатиб борадилар.

Бундай оилаларда ота-онанинг обрўси баланд, ҳурматиззатга сазовор.

Лекин афсус билан айтиш керакки, фарзанд тарбиясига жиддий эътибор бермайдиган силалар ҳам учраб туради. Бир кичик мисол: Шу Сағбон кўчасининг Мақола проездида яшовчи Эркин Бозоровни олайлик. Унинг ўзи ичкиликка берилган. Фарзандлар тарбияси ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Шу хонадонда ўсаётган болаларга ачинасан киши. Улар ҳали ёш. Аввжи тарбияга, яхши парваришга муҳтож пайтлари. Айрим ота-оналар фарзанд тарбиясини ўзи бўларчиликка ташлаб «ҳали ёш, тарбияга тушунадими, мактабга борадиган бўлсин, «опа»лари бир амаллаб тарбиялаб олишади», деган хавфли кайфиятга берилганлар.

Баъзи ота-оналаримиз эса ишлаб турган коллективларда ўзларини гўё тарбия кўрган, соф виждонли кишилар қилиб кўрсатадилар-у, аммо оилаларидаги болалар ҳаёти билан қизиқсангиз бошқа манзарани кўрасиз. «Бола туғдингми, ўзинг эпла!» деб ҳамма оғирликни рафиқаси гарданига ағдаришади.

Булардан ташқари, айрим ота-оналар болага нисбатан ўта кўпол муомалада бўлишади. Болани ўринсиз қоғиш, калтаклаш ҳоллари ҳам учраб туради. Баъзида кўчадан кайфияти бузукроқ қайтган ота захрини уйдагиларга сочади, беҳудага ўшқиради, жаҳл қилади. Бундай ўзини тута билмаслик болаларнинг мурғак қалбига шикаст етказади. У бегуноҳ жазоланади. Ёшликда етказилган жароҳат гоҳида ўчмас из қолдиради. Ҳаттоки уни ёмон йўлларга ҳам олиб кириши мумкин. Болани қаттиқ таъқиб остига олиш ҳам доим фойда беравермайди. Унга нисбатан ишончингиз қанчалик қатъий бўлса, уни беҳудага алдамай ростгўйлик билан муомала қилинса фарзанд бу ишончни оқлашга, софдил бўлишга шунчалик интилади, болага «ёш, нимага тушунади» деб менсимаслик жуда зарар.

Баъзи ота-оналар ўз болаларининг сўзга кирмаслигидан ранжиб юришади. Бундан чиқди, улар ўз фарзандлари олдида обрўларини йўқотиб қўйишган. Агар ота-она фарзандини кичиклигидан бошлаб тўғри тарбиялай, олса, ўзига нисбатан чинакам меҳр, ҳурмат орттирган бўлса, бола ҳам ўз ота-онасини иззат-икромини жойига қўяди.

Айрим кишилар фарзанд олдида ўз обрўларини кўтармоқ учун болалар билан камроқ гаплашишни, улардан узоқроқ бўлишни афзал кўришади. Ҳаттоки, болалардан алоҳида овқатланадилар, отанинг ўз боласи сида иши, гапи бўлса, онаси орқали бажартиради. Бизнинг фикримизча, бу мутлақо нотўғри. Болага қанчалик яқин, сирдош бўлсанг, шунча яхши.

Айрим ҳолларда ота ёки она обрў орттираман, деб болаларининг истакларини, у зарурми, нозарурми, дарҳол бажариш йўлини тутадилар. Бу усул ҳам яхши натижа беравермайди. Аксинча, болани тантиқ қилиб қўяди. Бола ота-онасига буйруқ берадиган, уларни менсимайдиган бўлиб ўсади. Бундай ҳолларга йўл қўймаслик зарур. Тантиқ ўсган болалар ўз ота-онасинигина эмас, бошқа — ўзидан катта кишилар, ҳатто мактаб ўқитувчиларини ҳам ҳурмат қилишга бўйинлари ёр бермайқолади, бу—шахсиятпарастлик оқибатидир.

Ҳар бир бола ўз ота-онасинигина эмас, замонамизнинг атоқли кишилари ишн билан, ўзлари ҳам шу жамиятнинг аъзоси бўлганликлари билан фахрланишсин, катталарнинг иззат ҳурматини ўрнига қўйишсин. Шуни ҳам айтиш керакки, биз билдирган фикрлар, вазифаларни амалга ошириш ота-онадан алоҳида қўшимча вақт талаб этмайди. Бунинг учун кундалик турмуш жараёнида бола ва унинг фаолиятига диққат-эътибор бериб боришнинг ўзи кифоя қилади.

Хулоса қилиб шуни айтмоқчиманки, бола тарбиясида ота-онанинг нуфузи, обрўси, ҳалол ва принципиаллиги ҳал қилувчи роль ўйнайди. Буни ҳаргиз унутмаслик керак. Ҳар бир ота-она умид билан фарзанд ўстиради. Орзулари рўёбга чиқиши учун эса тарбиянинг машаққатларига бардош бериши, ўзи эккан ниҳолларни авайлаб — ўстириши, жамиятимизга муносиб авлод етиштиришдаги масъулият зиммасида эканлигига қараб иш тутиши зарур.

Ф. НУРИДДИНОВ,
Узбекистон ССР халқ маорифи аълочиси, кекса педагог.

ГАЗЕТХОНЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Бўка райони марказидаги «Мингчинор» маданият ва истироҳат боғи оммавий тадбирлар ўтказиш марказига айланиб қолган. Ўтган куни бу ерда район меҳнаткашлари «Тошкент ҳақиқати» газетаси ижодий ходимлари билан учрашув ўтказдилар. Газетхонлар конференциясини район партия комитетининг иккинчи секретари М. Аҳмаджонов очди. «Тошкент ҳақиқати» газетаси редактори Н. Насимов йиғилганларга газета фаолияти ҳақида ҳисоб берди, КПСС XXVI съездини ва Ўзбекистон Компартияси XX съездини муносиб кутиб олиш борасида редакция коллективи олдида турган вазифаларга тўхталди.

Ҳамза номли колхознинг илғор бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Саодат Гулаҳмедова ҳақида биринчи лавҳа бундан 25 йил муқаддам газета саҳифасида чоп этилган эди. Ўшанда кўпмингкилограммли теримчининг илғор тажрибаси кенг оммалаштирилди. Кейинчалик эса моҳир механизатор, ташаббускор бригада бошлиғи бир неча марта газета орқали ўз тажрибаларини ўртоқлашди. Конференцияда сўзга чиққан С. Гулаҳмедова қишлоқ хўжалиги мавзуларида берилаётган материалларнинг янада жанговарлигини таъминлаш, шу билан бирга

Пахтакорим меҳнатингдан бахт қулиб боқмиш яна
Шода-шода маржонин ҳар туп ғўзанг тақмиш яна.
Катта тўйга келинлардек хўп ясанган пахтазор
Дил уйини равшан айлаб шам-чироқ ёқмиш яна
Кенг даланг ҳар тонг билан ўз ҳуснини кўз-кўз қилиб,
Товланиб минг жилва бирлан қошини қоқмиш яна.
Пахтазорингга боқиб, сиғмас юракка шодлигим.
Ҳар эгатга мисли шарбат сувлари оқмиш яна.
Куйлагайман сен яратган бу чаманзор мадҳини,
Чунки, Арслон қалбига ҳам ишқ ўтин ёқмиш яна.

— Газета саҳифаларида «Оқибат», «Ахлоқ ва одоб» рубрикалари остида берилаётган материалларни қизиқиб ўқиймиз, — дейди Бўка посёлка Советининг раиси А. Мусаев. — Айниқса, «Урф-одатларимиз замонамизга муносиб бўлсин» умумий сарлавҳа остида берилган материаллар бизда катта қизиқиш уйғотди. Саҳифани активлар билан муҳокама қилиб тўйларимизни замонавий ўтказмоқдамиз. Эндиликда тўйларимиз чиройли, ортиқча чиқимларсиз бўлаяпти.

Шунингдек, сўзга чиққан «Ленинизм» колхози комсомол ташкилотининг секретари С. Шарифхонов, «Пахтакорлар овози» район газетасининг редактори А. Аҳмедов ўртоқлар ҳам газета материаллари ҳақида ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдиришди, бир қатор қимматли таклифларни ўртага ташлашди.

Конференция сўнггида редакция ходимлари билдирилган таклиф ва мулоҳазалар учун газетхонларга самимий миннатдорчилик изҳор қилдилар. Улар бўкалик пахтакорларга 85 минг тонналик улкан «оқ олтин» хирмонини яратишдек фахрли ва сермашаққат ишларида улкан муваффақиятлар тиладилар.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

ЛАГЕРДА ОҚШОМ

Юрий Гагарин номли пионер лагерида дам олаётган ўқувчилар оқшом тушиши билан ёзги эстрада майдончасига кела бошлашди. Бугун бу ерга кўчма кино келган. Ўқувчилар жойларини эгаллашлари билан киномеханик Т. Нажимов аппарат мурувватини буради. Саҳнадаги оқ экранда Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари жонлана бошлади.

Областимизнинг Бўстонлик райони зонасида 44 та пионер лагери ишлаб турибди. Область кинофикация тармоғи ходимлари лагерларда бўлиб, болаларга янги-янги бадиий фильмларни кўйиб бермоқдалар. «Москва кўз ёшларга ишонмайди», «Турналар учади», «Саратон» каби фильмларни пионерлар қизиқиш билан томоша қилмоқдалар.

Пионер лагерларида, дала шийпонларида, маданият ва истироҳат боғларида 66 кино қурилма хизмат қилмоқда. Сеанслар олдидан қизиқарли учрашувлар ташкил этилади. Бу соҳада Қибрайдаги «Союз», Бўстонликдаги «Бўстон», Чиноздаги «Ватан» кинотеатр коллективлари ўтказаётган тадбирлар мақтовга сазовордир.

М. ЗАРИПОВ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.35 — Олимпиада кундалиги. 10.10 —Сизга маъзур шеърлар. 10.35 — Менинг ерим — менинг уйим. 11.05 — Ҳужжатли фильм. 11.25 — Денис Короблёвнинг ғаройиб саргузаштлари. Бадиий фильм. 2-серия. 12.35 — Олимпиада кундалиги. 12.55— XXII Олимпиада ўйинлари. 18.00 — Дунё воқеалари. 18.15 — Қозоғистон ССР давлат рақс ансамблининг концерти. 18.50 — Ясная поляна. 2-фильм. 19.45 — Ҳужжатли фильм. 19.55 — XXII Олимпиада ўйинлари. 21.05 — Время. 22.15 — XXII Олимпиада ўйинлари. 23.00 — Футбол. 3—4-ўринлар учун мусобақа.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Ҳужжатли фильм. 11.55 — Ленин қадамжолари бўйлаб. 12.15 —Иванна ҳужумда. Бадиий фильм. 13.30 — Дастлабки пионер гулханларининг алангаси. 18.20 —Мультфильм. 18.30 — Врач маслаҳати. 18.45 — Мўъжизалар куни. Фильм концерт. 19.10 —КПСС XXVI съездини муносиб кутиб оламиз. 19.20 —Ахборот. 19.45 — Совет Узбекистони композиторлари — Шариф Рамазонов. 20.30 — Ахборот. 20.50— Бердах номли Қорақалпоғистон филармонияси «Айқулаш» рақс ансамбли ижро этади. 21.30 — Озуқа ишлаб чиқариш резервлари. 21.45 — Время. 22.15 — Оламда нима гап. 22.45 — Романтика телевизион театри.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

ЯНГИ ПРОГРАММА

1 АВГУСТДАН БОШЛАБ

ПОЛЬША, ВЕНГРИЯ, ЧЕХОСЛОВАКИЯ, РУМИНИЯ, ГДР, БОЛГАРИЯ, МОНГОЛИЯ ЦИРКИНИНГ ЕТАКЧИ АРТИСТЛАРИ ВА СОВЕТ ЦИРКИ АРТИСТЛАРИ ИШТИРОКИДА

ИНТЕРЦИРК-80

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади

БИЛЕТЛАР СОТИЛМОҚДА.

44-35-91, 44-35-84 телефон номерлари бўйича справкалар олиш мумкин.

Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари соат 13.00, 16.00 ва 19.30 да, якшанба кунлари соат 12.00, 16.00 ва 19.30 да бошланади.

Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

Тошкент область ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг раҳбарлиги, партия ташкилоти ва шахсий состави Калинин район ижроия комитети Ички ишлар бўлими бошлиғининг собиқ ўринбосари, истеъфодаги милиция подполковниги

Обид Саидович МИРПУЛАТОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334803, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир — 325894.

Р. 03422. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Б. 1659.